БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 68 (19. 739). ● 1987 йил 25 март, чоршанба ● Баҳоси 3 тийин.

• *Илғор тажриба—оммага*

РЕКОРД ҲОСИЛ

АДРЕС: ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ПИСКЕНТ РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ ТУРОБ АСРАЕВ БОШЛИҚ ОЗУҚАЧИЛИК ЗВЕНОСИ

● ОЗУҚА ЭКИНЛАРИ ЕТИШТИРИШДА ПУДРАТ УСУЛИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

● ҲАР ГЕКТАР ЕРДАН 268 ЦЕНТНЕРДАН ПИЧАН

● БЕДА ЎРИМИ БУ ЙИЛ ЕТТИ МАРТГА ЕТАДИ

Ҳўжаликда ўтган йилга якун ясалаётган чоғда чорвачиликдан 58 минг сўм соф фойда олинганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Буни эшитган чорвадорларгина эмас, озуқакорлар ҳам дил-дилдан севиниб кетишди. Бундан бир неча йил олдин колхозга каттагина зарар келтираётган тармоқнинг эндиликда жадал ривожланиб бораётганлигида уларнинг ҳам ҳиссаси катта, ахир! Зеро, сигирлар маҳсулдорлигини оширишда, қорамолларни тез семиришда ем-хашакнинг мўллиги, сифати, тўйимлилиги катта роль ўйнайди.

Колхозда ана шу энг муҳим вазифа — мўл ем-хашак етиштириш муваффақиятли ҳал этилганига анча бўлди. Бу ерда йилига 1,5—2 йиллик план миқдорида беда пичани, дағал хашак ва ширали озуқалар тайёрланмоқда. Сўнгги пайтда ҳўжалик ўз эҳтиёжини қоплабгина қолмай, қўшни колхоз ва совхозларга ҳам 50—60 минг сўмлик пичан сотяпти.

Хўш, колхозда бунга қандай қилиб эришилмоқда?

Бунинг асосий омили — озуқачиликда пудрат усулининг самарали қўлланиб келинаётганлигидир. Ем-хашак етиштиришда ишни ана шундай ташкил этиш туфайли озуқа экинлари ҳосилдорлиги кескин кўтарилиб бормоқда. Масалан, ўтган йили ҳар гектар ердан 210 центнердан ошириб беда пичани олинди, лавлаги ҳосилдорлиги 624 центнерни ташкил этди. Бундай натижага илгари колхозда эришилмаган эди.

Эндиликда ҳўжаликда илғор усулнинг ҳамма формалари — бригада, звено, оила пудрати кенг қўлланилмоқда. Бугунги кунда 15 та оилавий звено аъзолари пудрат усулида меҳнат қилиб, юқори натижаларга эришмоқдалар. Улар ўз меҳнатларига яраша мўмай даромад ҳам қилмоқдалар. Шундай звенолардан бири Туроб Асраев оиласидир. Ўтган йили Т. Асраев ўғли Азамат билан 16 гектар ердаги бедазорни парвариш қилиб, рекорд натижага эришди. Ҳар гектар ердан 268 центнердан юқори сифатли беда пичани олинди.

— Эришган натижаларимизга шубҳа билан қараётганлар ҳам бўляпти, — дейди Туроб Асраев, — Чунки, ҳар гектар ердан 268 центнердан пичан олиш — юқори кўрсаткич! Лекин иш тажрибамиз шуни кўрсатдики, интенсив технологияни жорий этиш ҳисобига ҳосилдорликни янада ошириш мумкин. Бунда ишни тўғри ташкил этиш катта роль ўйнайди. Демоқчиманки, колхоз правлениеси, мутахассислар ва ҳамма меҳнаткашлар унга ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

Дарҳақиқат, ҳўжаликда оила пудрати имкониятларидан тўлиқ самара олишга ҳаракат қилинмоқда. Ишнинг ташкилий томонларига катта эътибор бериляпти. Пудратда ишловчилар билан суҳбатлар ўтказилмоқда. Янги усулнинг моҳияти одамларга кенг тушунтирилмоқда. Шундан сўнг пудратнинг кучига ишонган кишилар билан шартномалар тузилаётир. Бунда ҳар бир оиланинг имконияти, майли ва истагига қараб маълум миқдорда ер ажратиб берилди. Шартномага мувофиқ колхоз правлениеси звеноларни техника, ўғит, зараркунанда ва ҳашаротларга қарши кимёвий дорилар билан таъминлашни ўз зиммасига олди. Шартномада пудратчиларга тўланадиган иш ҳақи ва устама мукофот ҳам аниқ кўрсатилди. Масалан, Туроб Асраев оиласига ўтган йили март ойидан бошлаб ноябргача ҳар гектар ердаги бедани парвариш қилганлиги учун 7 сўмдан иш ҳақи тўлашга келишилди. Шундай қилиб, Асраевлар ўртача 112 сўмдан маош олишди. Шартномада 16 гектар бедазорнинг ҳар гектаридан 160 центнердан — жами 256 тонна пичан етиштирилиши норма қилиб белгиланди. Пландан ортиқча топширилган ҳар тонна беда пичани учун 20 сўмдан қўшимча ҳақ тўланадиган бўлди. Ишни пухта ташкил этган оила йил охирида колхозга 429 тонна пичан топширди ва шартномага кўра оила аъзолари ойлик аванс маошларидан ташқари 4300 сўм устама ҳақ олишди.

— Шартнома тузилгандан кейин четдан буйруқ ва кўрсатма кутмасдан ҳамма ҳисобкитобни ўзим олиб бордим, — дейди Т. Асраев. — Чунки бедадан ҳанчалик мўл ҳосил етиштириш, мўмай даромад олиш, қолаверса, меҳнатимиздан маънавий қониқиш ҳосил қилиш, фақат ўзимизга боғлиқлигини ҳис этдик. Бунда албатта, ҳар бир тадбирни бажаришдан олдин мутахассислар билан маслаҳатлашдик. Раҳбарлар томонидан тўла мустақиллик берилди. Шундай қилиб, ўтган йили бедани олти марта ўришга муваффақ бўлдик. Шуниси диққатга сазоворки, ҳамма ўримдан сифатли пичан тайёрланди.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, деҳқончиликда «тўлиқ ва соғлом кўчат учун» деган ибора кўп ишлатилади. Афсуски, биз бу гапни кўпроқ пахтага, сабзавот экинларига нисбатан айтамиз. Бедачи? У ҳам экин-ку! Биз дастлабки кунданоқ ана шу ҳақда ўйладик. Бедазорларни айланиб чиқдик. Кўп карталарда кўчат сийрак эди. Нима қилиш керак? Дарҳол колхоз правлениесига мурожаат қилдик. Қўшимча уруғ ажратишларини сўрадик. Уруғни сийрак карталарга чизель қилиб сепдик. Бу ишни январь ойида амалга оширдик. Баҳорги ёмғирлардан сўнг яна дала айландик. Уруғ униб чиқиб, тўлиқ кўчат бўлишини таъминладик.

Бедадан юқори ҳосил олишдаги яна бир энг муҳим иш —экинни ўз вақтида суғоришдир. Айниқса, кун авжи исиган саратон кезлари экинни озгина сувдан қолдириш, ҳосилнинг бир қисмидан айрилишдир. Баъзан «баҳор серёғин келди, бедани суғормаса ҳам бўлади», деган гапларни эшитамиз. Бу — нотўғри. Ҳар қандай шароитда март ойининг охирларидан бошлаб эканнинг ривожи , талабига қараб сув қўйиш лозим. Масалан, биз ўтган йили олти ўрим давомида саккиз марта суғордик.

Звено аъзолари ўрим-йиғимни ҳам ўзлари қатъий назорат қилиб бордилар. Беданинг гуллаб кетишига йўл қўймасдан йиғиштириб олишди. Чунки беда икки, ҳатто бир кун кечикиб ўрилса, биринчидан—ҳосил баракаси йўқолади, иккинчидан —пичан сифати пасаяди. Қорамол учун қимматли озуқа —беда таркибидаги оқсил, каротин ҳавога учади. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, Т. Асраев звеносида ҳар бир ўрим 25—26 кунда ўтказилди. Шу ҳисобга мўлжалдагидан бир марта ортиқ ўримга эришилди.

— Ҳали қилинадиган ишлар кўп, — дейди —Т. Асраев, — эндиликда биз маҳсулот таннархини арзонлаштириш устида изланяпмиз. Менимча, ҳозир биз бу усулни янада такомиллаштиришимиз лозим. Чунончи, пудратчи оилаларга ерни бир йилга эмас, узоқ муддатга, бедани эса уч-тўрт йилга шартнома бўйича бериш керак. Ана шунда у омонат меҳнат қилмайди. Балки узоқни кўзлаб иш юритади.

Юқорида айтганимдек, ҳозир биз ишлаётган техника, олаётган ўғит ва гербедцид унчалик арзон турмайди. Шундай экан, ана шу сарф-харажатлар ҳисобига кўпроқ самара —маҳсулот олишга эришиш, меҳнат унумдорлигини янада ошириш лозим. Бунинг ягона йўли — интенсив технологияни жорий этиш, белгиланган тадбирларни сифатли, виждонан, ҳалол бажариш даркор.

Кеч кузданоқ бедазорлар парваришини бошлаб юборганмиз. Ҳар гектар ерга 250 килограммдан минерал ўғит солдик. Сийраклашиб қолган карталарга чизель қилиб уруғ сепдик. Ҳозир улар қийғос униб чиқиб, жадал ривожланмоқда. Ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, бу йил бедани кам деганда етти марта ўриб олишга аҳд қилдик. Ҳосилдорликни 270 центнерга етказиб, 15 апреледаёқ фермага қўк масса берамиз.

Илғор звено тажрибаси пудрат усули афзаллигини тўла исботлаб турипти. Қаердаки бу усул фақат қоғозда, номига ташкил этилиб амалда жорий этилмаса, у ерда муваффақият бўлмаслиги аниқ. Афсуски, областда мана шундай ҳоллар учраб турибди, илғор тажрибалар ҳали суст жорий этилмоқда. Бир қатор колхоз ва совхозларда озуқа экинларидан, хусусан, бедадан бор-йўғи 60-70 центнердан ҳосил олиняпти. Бундай кўнгил тўлмас ҳолларга барҳам бериш пайти келди. Ҳозир ҳамма ерда меҳнатни пудрат ва ҳўжалик ҳисоби асосида ташкил этиш, айниқса, озуқачилик бригадаларида унинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга эришиш керак. Ана шунда меҳнат унумдорлиги ортади, маҳсулот кўпаяди, таннарх арзонлашади.

Ф. МУҲИДДИНОВ.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига

СССР ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

23 март куни СССР Телевидение ва радиоэшитириш давлат комитетида кенгаш бўлиб ўтди, унда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига тайёргарлик муносабати билан оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг вазифалари кўриб чиқилди.

СССР Телевидение ва радиоэшитириш давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари Л. П. Кравченко доклад қилди. Докладда ва «Время» телевизион программасининг шарҳчиси Е. А. Фатеев, Бутуниттифоқ радиоси пропаганда бош редакциясининг бош редактори В. М. Панарин, СССР Телевидение ва радиоэшитириш давлат комитетининг шарҳчиси В. И. Любовцев, «Экран» телевизион ижодий бирлашмасининг кинорежиссери В. П. Лисаковичнинг нутқларида телевидение ва радиоэшитириш самарадорлигини янада ошириш, уларнинг ишидаги катта камчиликларни бартараф этиш билан алоқадор бўлган бир қанча муҳим проблема ва масалалар кўтарилди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев нутқ сўзлади. Марказий Комитет қабул этган «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қарор ва совет халқига Мурожаатномасининг бош концепцияси, деб ҳисобланган, Октябрь революцияси зафарлари билан ҳозирги революцион ижтимоий ўзгаришлар, КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми ва партия XXVII съезди сиёсий йўлининг узвий боғлиқлигидир. Қайта қуриш, жадаллаштириш — партия, халқ қилаётган ҳамма ишларни ўртоқ М. С. Горбачев ҳақли равишда революцион иш, деб атади.

Биз социалистик давлатимиз тарихига мурожаат этар эканмиз, совет халқи сўнмас зафарлар ҳам қозонганини, вақтинчалик мағлубиятлар аламини ҳам тотганини, қийин ва мураккаб босқичлардан ўтганини яширимаймиз. Ҳар хил ҳолатлар бўлди, аммо энг муҳими шуки, Октябрнинг 70 йиллиги — аввало социалистик тузум тантанаси давридир. Айнан Совет ҳокимияти йиллларида ва шу ҳокимият туфайли мамлакат жаҳондаги пешқадам давлатлардан бирига айланганлигидан иборат шак-шубҳасиз фактни ҳеч ким ўчириб ташлай олмайди.

Журналистлар, идеология соҳасидаги барча активлар Октябрнинг 70 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вазифалари ҳамда хусусиятларини тушуниб олишлари лозимлиги нутқда таъкидлаб ўтилди. Ватанимизнинг бўлғуси юбилейи зўр ижтимоий аҳамият ва катта сиёсий моҳиятга эга бўлган воқеа эканини, у байрамгина эмас, шу билан бирга кучларимизнинг кўриги эканини, меҳнат коллективларини партия ўртага қўйган ва улуғворлиги маълум бўлган вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилиш лозимлигини тушуниб олиш муҳимдир.

Матбуот, телевидение ва радио, барча идеология воситалари Октябрь бизга нималар берганини, социализм нималар берганини жозибадор ва ишонарли тарзда кўрсатиб беришлари керак. Моддий соҳадагина эмас, сиёсий, социал соҳада ҳам кўрсатиб берса арзийдиган ютуқларимиз бор. Қайта қуришнинг мақсадларини, у қандай амалга оширилаётганини, дастлабки натижаларни тўлиқроқ ёритиш муҳимдир.

Совет ҳокимиятининг ютуқларини ҳақиқатан тўлиқ ва мароқли пропаганда қилишни таъминлаш муҳимлигининг боиси нима? Бунда танқидни, ошкораликни сусайтириш йўқми, ўз тарихимизни холисона ва мардона баҳолаш тўғрисидаги даъватлардан чекиниш йўқми? Йўқ. Биз ўтмишга ҳалол ва рўйрост назар ташлаш тарафдоримиз, аммо биз шонли ўтмишимизни сохталаштиришга қатъиян қаршимиз, бизнинг тарихимизни нуқул хатолар ва кўнгилсизликлар занжиридан иборат қилиб тасвирлашга қаршимиз.

Қайта қуриш — инкор эмас, балки бунёдкорликдир. Биз бу ишни бўш жойдан эмас, балки совет кишилари кўпгина авлодларининг ажойиб ғалабалари ва шак-шубҳасиз ютуқлари пойдеворидан бошлаяпмиз.

Шу билан бирга тарихий йўлимизни кўрсатишда ўтмиш сабоқларини эсда тутиш керак. Ўтмиш сабоқларини такрорламаслик, юбилейбозлик қилмаслик, тарихни бирон-бир концепцияга мослаштиришга уринмаслик, уни бежамаслик, хрестоматия тарзида ялтироқ бўёқ суркаслик керак. Бизнинг революциямиз тарихи бунга муҳтож эмас. У шу қадар қаҳрамонона ва ибратли тарихдирки, ҳеч қандай пардозга муҳтож эмас. Фақат ҳақиқат, босиб ўтилган йўлга холисона назар ташлашгина янги куч-ғайратни қулф урдириши, Ватанимизни тараққиёт пиллапояларидан коммунизм сари тезроқ юқори силжитишга киришиш иштиёқини уйғотиши мумкин ва лозим.

Кейинроқ — юбилейга яқин қолганда эмас, балки ҳозирнинг ўзидаёқ ютуқларимизни ҳаққоний, мароқли кўрсата бошлаш, айни вақтда тўла куч билан кўрсатишга киришиш лозим. Акс ҳолда, кейинчалик, байрам арафасида танқид йўқ-бўлиб кетади (одатда шундай бўлиб келган), фақат ютуқларни кўрсатиш бошланади. Бундай зўриқишнинг ҳожати йўқ, у ҳеч қачон фойда келтирмайди. Хуллас, танқидий таҳлилни, камчиликларни очиб ташлаш ва тугатишни бўшаштирмай, социализмнинг капитализмдан шак-шубҳасиз афзалликларини, ижтимоий янгиланиш жараёнидаги янгилик куртакларини актив тарғиб қилиш зарур.

Октябрь 70 йиллиги бўсағасида телевидение экранларида, радио орқали, матбуот саҳифаларида В. И. Ленин ғоялари ва ишларининг улуғлигини, унинг ижтимоий тараққиёт энг мураккаб проблемаларини ҳал этишга новаторларча ёндашганлигини, коммунистик партиянинг совет халқи фаровонлиги, Ватан равнақи йўлидаги социализм ва тинчлик йўлидаги зўр назарий ва амалий фаолиятини чуқурроқ очиб бериш лозим. Ёзувчилар, рассомлар, театр, кино арбоблари каби совет журналистлари ҳам партия, революция ветеранларига, Гражданлар ва Улуғ Ватан урушлари қатнашчиларига, совет беш йилликларининг жонкуяр азаматларига бағишланган мақолалар, кўрсатувлар, бадиий асарларнинг янги ёрқин формаларини топа олишларига шак-шубҳа йўқ. Октябрь зафарларини тарғиб қилишда совет классикасига кирган адабиёт ва санъат асарларидан кенгроқ фойдаланиш зарур.

Мамлакатда Улуғ Октябрни муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақа кучайиб бормоқда, деди Е. К. Лигачев. Меҳнат коллективларининг, миллионлар оммасининг социалистик мусобақасини ёритишга кўпроқ янгилик киритилиши, одамларнинг — ишчилар, колхозчилар, мутахассисларнинг туйғулари ва фикрларини акс эттириш керак. Ишлаб чиқариш ҳаётини ёритишда андозачиликка, енгил-елпи тасаввурларга ва расмий ифодаларга қарши кескин курашиш лозим. Бу ишда сизларга ишлаб чиқариш ходимларининг ўзлари, айниқса, оддий ходимлар катта ёрдам берадилар, деб ўйлайман, матбуотдаги жамоатчилик асосларини ҳар томонлама кенгайтириш, кенг меҳнаткашлар оммасининг фикрига таяниш керак.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг, шу жумладан, телевидение ва радионинг ташкилотчилик ролини кучайтириш жуда муҳимдир. Ишларни, воқеаларни тасвирлаш, кўрсатиб беришгина кифоя эмас. Ҳозир бу камлик қилади. Принцип шундай бўлиши керак: жиддий масалага қўл урилдими, уни охирига етказайлик. Ҳатто бу масалага икки, уч марта қайтиш ҳам мумкин. Халқ хўжалиги соҳасидаги йирик вазифалар ҳал этилаётган олис районлар, ўзлаштирилаётган территориялар мана шундай эътиборга, аниқ ёрдамга жуда муҳтождирлар. Сибирь, Узоқ Шарқ, Чекка Шимол аввало мана шундай жойлар жумласига киради. Бу ишда журналистларнинг энг муҳим қурилишлардаги Бутуниттифоқ летучкаларининг роли жуда катта, бундай летучкаларни ўтказишни шу йилги ва бутун беш йиллик вазифаларини эътиборга олиб планлаштириш керак.

Маҳаллий Телевидение ва радиоэшитириш комитетларига эътибор берилиши лозим. Марказ билан республика, область ахборот воситаларининг имкониятларини моҳирона бирга қўшиш орқалигина энг катта самарага эришиш мумкин.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига тайёргарлик пропаганда соҳасида сифат жиҳатидан янги поғонага чиқишни талаб қилади. Бунинг учун жамики энг яхши тажрибани синчиклаб ҳисобга олиш, илгари йўл қўйилган ўз камчилик ва нуқсонларини таҳлил этиш, шу йўл билан келгусида бундай камчилик ва нуқсонларга йўл қўймаслик, уларни бартараф этиш лозим. Қисқаси, ҳаммамиз янада зўр ҳафсала билан ишлашимиз керак.

Е. К. Лигачев Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг баъзи редакцияларида ҳам бўлиб, уларнинг ходимлари билан учрашди. КПСС Марказий Комитети Пропаганда бўлимининг мудири Ю. А. Скляров, СССР Телевидение ва радиоэшитириш давлат комитетининг раиси А. Н. Аксенов Е. К. Лигачев билан бирга бўлдилар.

(ТАСС).

СССР мудофаа министрининг БУЙРУҒИ

1987 йил 25 март № 93 Москва шаҳри

БЕЛГИЛАНГАН ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ 1987 ЙИЛ АПРЕЛЬ-ИЮНЬ ОЙЛАРИДА СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФЛАРИДАН ЗАПАСГА БЎШАТИШ ВА ГРАЖДАНЛАРНИ НАВБАТДАГИ ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССРнинг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Белгиланган ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 1987 йилнинг апрель-июнь ойларида Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, Чегара ва ички қўшинлари сафларидан запасга бўшатилсин.

2. Ушбу буйруқнинг 1-бандига мувофиқ ҳарбий хизматчилар запасга бўшатилиши муносабати билан чақириқ кунигача 18 ёшга тўладиган, ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириқ муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган эркак гражданлар, шунингдек чақириқни кечиктириш ҳуқуқини йўқотган чақириқ ёшидаги катта гражданлар 1987 йил апрель-июнь ойларида Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, Чегара ва ички қўшинларига ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилсин.

3. Буйруқ барча роталар, батареялар, эскадрильялар ва кемаларда эълон қилинсин.

СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали С. СОКОЛОВ.

МИНИСТРЛАР КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

24 март куни Москвада дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрлари комитетининг навбатдаги мажлиси очилди.

Мажлис ишида БХР ташқи ишлар министри П. Младенов, ВХР ташқи ишлар министри П. Варкони, ГДР ташқи ишлар министри О. Фишер, ПХР ташқи ишлар министри М. Ожеховский, РСР ташқи ишлар министри И. Тоту, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, ЧССР ташқи ишлар министри Б. Хнеупек қатнашмоқдалар.

Европадаги ва умуман дунёдаги аҳвол билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинмоқда. Қуролланиш пойгасини, биринчи навбатда ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш, Европада қуролли кучларни ва оддий қуроллар ярогларни камайтириш проблемаларига, Европа хавфсизлиги ва ялпи хавфсизликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

(ТАСС).

ОРБИТАДАН ДАРАКЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 24 март. (ТАСС). Юрий Романенко ва Александр Лавейкин одам бошқарадиган «Мир» комплексида қирқ беш кундан бери космик вахтани давом эттирмоқдалар.

Бугун экипаж иш вақтининг анчагина қисми геофизик тадқиқотларга ажратилган. Совет Иттифоқи территориясининг ўрта ва жанубий кенгликларини кузатиш ва фотосуратга олиш, Ер атмосфераси юқори қатламларини ўрганишни давом эттириш бўйича эксперименталр режалаштирилган.

«Прогресс—28» автоматик транспорт кемасига тааллуқли ишлар якунланмоқда. Олиб келинган юкларни космонавтлар база блоки хоналарига жойлаштирдилар, кеманинг бўшаб қолган бўлинмаларини эса ишлатилиб бўлинган ускуна билан тўлдирмоқдалар. Станция двигатель ускуналари бакларига қўшимча ёнилғи солинди.

Ер атрофи орбитасидаги иш белгиланган программага мувофиқ олиб борилмоқда.

ТЕКШИРУВЛАР МУВОФИҚЛАШТИРИЛИШИ ТАЪМИНЛАНСИН

24 март куни Тошкентда идоралараро назоратни амалга оширадиган органлар ўтказадиган текшируврларни мувофиқлаштириб турувчи республика кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни кенгаш раиси, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров олиб борди.

Идоралараро назоратни тартибга солиш, унинг самарадорлигини ошириш тадбирлари белгиланди. Тошкент область Оржоникидзе районидаги давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ўтказаётган текшируврларни мувофиқлаштириб туриш тажрибаси маъқулланди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. И. Огарок сўзга чиқди.

(ЎзТАГ).

Байроқлар топширилди

Ўтган йил якунларига кўра, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида голиб чиққанлиги учун Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» ва Фарғона районидаги Ленин номли колхозлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларига сазовор бўлдилар ва СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилдилар.

Бу хўжаликларда тантаналли йиғилишлар ўтказилиб, коллективларга юксак мукофотлар топширилди.

Бухоро область, Пешкуз районидаги «Жонгелди» давлат наслчилик заводининг коллективига ҳам тантанали вазиятда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди.

(ЎзТАГ).

АФҒОНИСТОНЛИК МЕҲМОНЛАР

Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Сулаймон Лойиқ билан АХДП Марказий Комитети аъзолигига кандидат Муҳаммад Фидо пойтахт ҳаёти билан танишдилар.

Меҳмонлар 24 март куни В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетига бордилар. Университетнинг маданият саройида республика пойтахтидаги ўқув юртларида таълим олаётган афғон йигит ва қизлари билан учрашув бўлиб ўтди. Сулаймон Лойиқ АДР ҳукумати миллий яраш йўлини эълон қилганидан кейин ҳозир ватанда рўй бераётган воқеалар тўғрисида уларга гапириб берди.

Меҳмонлар Афғонистондан келган болалар таълим олаётган республика мактаб-интернатларида бўлдилар. Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИ СОСТАВИДАГИ ЎЗГАРТИШЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Анвар Аликаевич Мамедов, Мавлуда Ҳакимовна Ўринбоева, Венера Султоновна Юсупова ўртоқлар Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзолари этиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. НИШОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри 1987 йил 24 март.

• *Партия турмуши: коммунист ва қайта қуриш*

ҚЎЛ УЧИДА ИШЛАШ МУМКИН ЭМАС

Яқинда қардош Украинага бўлган узоқ муддатли командировкадан қайтдим. Кўнгилли коммунистлар қатори Чернобилдаги атом электростанциясида юз берган авария оқибатларини тугатишда қатнашдим. Припять дарёси қирғоғидаги офатни тугатишга бел боғлаган қурувчи ва монтажчилар ичида барча миллат вакиллари бор эди.

Дастлаб ғоят мураккаб шароитларда ишлашга тўғри келди. Лекин ҳеч ким қийинчиликлар ёки кўринмас душман—радиация хавфидан чўчигани йўқ. Бу ерда ҳамма қардошлик бурчига чинакам садоқатни намойиш қилди.

Биз, ўзбекистонликлар авария оқибатларини тугатишда қатнашар эканмиз, бундан анча илгари юртимизда содир бўлган бошқа бир фалокат эсга тушди. 1966 йил 26 апрелидаги ер ости кучларининг хуружи Тошкент шаҳрининг анча қисмини бир зумда вайронага айлантирган, минглаб кишиларни бошпанасиз қолдирган эди. Ўшанда украиналик қардошлар биринчилардан бўлиб бизга ёрдам қўлини чўзишди. Орадан роппа-роса йигирма йил ўтгач,яна худди ўша куни инсон измидан чиққан атом Украинадаги шаҳар ва қишлоқлар ҳаётини издан чиқарди. Энди биз ҳам интернационал бурчга амал қилиб, уларга ёрдамга шошилишимиз табиий эди.

Чернобиль синови мени кўпгина нарсаларга бошқача назар билан қарашга мажбур қилди. АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ҳар бир киши бу ерда ўзига тегишли сабоқ олди. Кичкина бир хато, интизомсизлик ёки хизмат бурчига лоқайдлик бизнинг асримизда нақадар хунук оқибатларга олиб келиши мумкинлигини чуқур ҳис қилдим. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленумида таъкидланганидек, кўпгина камчиликларимизнинг бош сабаби бўшанглик ва масъулиятсизлик эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Бундан ўн йил муқаддам бунёдкорлик ишлари билан бутун республикага шуҳрат қозонган бошқармамиз нега энди қатто планларини ҳам зўрға бажарадиган бўлиб қолди. Сув иншоотлари қурилиши мураккаб механизмининг қайси бир халқасидан путур кетди? Ҳозир мана шу ҳақда жиддий бош қотиришга тўғри келмоқда.

Шу йилнинг дастлабки икки ойи иш маромини таҳлил этганимизда кўп нарса аниқ бўлиб қолди. Айрим ходимларимизда оддий уюшқоқлик ва масъулият етишмаётган экан. Айниқса, ишлаб чиқариш техника таъминоти бўлимимизда бу иллат жуда чуқур илдиз отган. Буни бир мисол билан исботлаб берай. Йил бошида белгиланган фондга кўра бошқармамиз номига бир неча вагон цемент келди. Уни тўғри тақсимлаш ҳусусида мутасадди раҳбарлар бош қотириб ўтиришмади. Кимнингдир кўрсатмаси билан вагонларни темир йўл орқали Олотга жўнатишди, қўйишди.

Натижада бошқармамиз бетончилари цемент йўқлиги сабабли бекор турган бир пайтда Олотдаги кўчма механизациялашган колонна 610 тонна, 4-кўчма механизациялашган колонна 500 тонна цементни «ҳар эҳтимолга қарши» омборларга босиб қўйди. Бизга бу вагонлардаги цементдан атиги 60 тонна тегди. Уни ҳам қарийб юз километр масофадан автомашиналар билан ташиб келтиришга тўғри келди. Бундай шароитда қанақа юксак маром, юқори унумдорлик тўғрисида гап бўлиши мумкин?

Яқинда бўлиб ўтган партия-хўжалик активи йиғилишида «Амубухараканалстрой» раҳбарларига мана шу савол билан мурожаат қилдик. Нега қурилиш материаллари тақсимотига мутасадди раҳбарлар талабчан ёндашишмайди? Коллектив масалани мана шундай кескин қўйғандан кейингина цемент муаммоси тезда ҳал қилинди.

Қайта қуриш масъулияти барча меҳнат коллективларида соғлом кучларни оёққа турғизмоқда. Буни бизнинг бошқармамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Партия ташкилотимиз сафларига йигирма беш коммунист уюшган. Уларнинг кўпчилиги ирригация ва мелиорация объектларида меҳнат қилишади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Василий Журавлев, Сергей Петров, Нишон Аслонов, Умур Омонов, Насим Идиев каби коммунистларимиз партия даъватига жавобан ўз ишларини қайта қуришга улгуришди. Ишга виждонан муносабат, коммунист масъулиятини тўла ҳис қилиш туфайли уларга ишониб топширилган техника икки сменада унумли ишлатилмоқда. Бу ҳамкасбларимнинг кўпчилиги юбилей йилининг иккинчи ярми меҳнат календарига ҳисоб очишган.

Шундай бўлишига қарамай коллектив ишида олға силжиш сезилмаяпти. Бунинг асосий сабаби техника ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан эскириб қолгани, ёш кадрларимизнинг малакаси пастлигидадир. Фақат ветеран мураббийларимиз ёшларни оталиққа олиши билан ўзгариш ясаб бўлмаяпти. Раҳбарларимиз эса бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш билан изчил шуғулланишмаяпти. Ўрта бўғин кадрларининг топширилган иш ижроси устидан назорати сусайтириб юборилган. Айрим ходимларимизда раҳбарлик учун қобилият етишмаяпти.

Партия ташкилотимиз коллективни олдинги позицияларга олиб чиқиш учун конкрет ташкилий тадбирларни амалга оширишга киришди. Бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан барча бўғиндаги раҳбарларни сайлов йўли билан тайинлашни синовдан ўтказишга қарор қилинди. Яқинда анча вақтдан буён бўш турган бошқарма бош инженери лавозимига мана шу йўл билан қобилиятли ташкилотчи, тажрибали мутахассис, синалган коммунист Исомиддин Валиевни сайладик. Энди ишлаб чиқариш-техника таъминотидаги узилишларни тугатиш, қурилиш механизмларидан унумли фойдаланишни ташкил қилишда янги бош инженердан умидимиз катта.

Қайта қуришнинг масъулиятли вазифалари ҳар биримиздан мослашувчиликни талаб этмоқда. Биз ўз халқимиз, мамлакатимиз равнақи учун — яъни ўзимиз учун ишлаётганимизни унутмайлик. Шу туфайли ҳам камчилик ва нуқсонларга муросасизлик, ҳар қандай масалани ҳал қилишга принципиаллик билан ёндашиш —ишимизнинг асосий мезони бўлиши керак. Қўл учида ишлаш кетмайди. Фақат шундагина КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленуми қўйган талаблар даражасида ишлаган, партиямизнинг совет халқига Мурожаатномасига амалий жавоб берган бўламиз.

Г. ЗУБОВ,
«Амубухараканалстрой»нинг 3-қурилиш монтаж бошқармаси экскаватор машинисти, Бухоро область партия комитетининг аъзоси.

НАМАНГАН ОБЛАСТИ. Чортоқ районидаги «Москва» колхозида ижтимоий-сиёсий марказ иш бошлаганига бир йил бўлиб қолди. Бу ерда сиёсий ва иқтисодий таълим мактабларида машғулотлар мунтазам ўтмоқда, атеистик пропаганда бўйича турли суҳбатлар бўляпти. Партия ва комсомол комитетлари ижтимоий-сиёсий марказда ўзлари ташкил этаётган турли тадбирларга коммунист ва комсомолларни, барча меҳнаткашларни кенг жалб қилмоқдалар.

СУРАТДА: пропагандист Бойдада Азимов иқтисодий таълим системасидаги навбатдаги машғулотга тайёргарлик кўрмоқда.

А. КОВТУН фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

• *Диққат: тажриба!*

Узум шарбатидан асал

Агар сиз асал етиштиришни хоҳласангиз, албатта, асалари боқиш шарт эмас дейишмоқда Нахичеванда. Бу ердаги вино заводида узум асали — бехмес ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бехмес узум сувини қуруқ буғ ёрдамида қуйилтириш йўли билан олинади. Унинг ширалилик даражаси 80 процентга етади.

Узум асали тайёрлаш сирларидан бу ерда қадимдан воқиф бўлишган. Яқинда Нахичевандаги шаҳарлардан бирида археологлар кўза топишди. Кўза эса бехмесга тўлдирилган эди. Бир неча аср сақланган бехмес қотиб тошга айланган. Врачларнинг гувоҳлик беришича бехмес даволаш хусуситларига ҳам эга экан. Ундан буйрак ва бронхит каби касалларни даволашда фойдаланишмоқда.

Яқин кунларгача Нахичеванда етиштирилган деярли барча узум вино ишлаб чиқаришга жўнатилади. Ҳозир эса Нахичеван узуми магазин пештахталаридан шарбат, алкоголсиз ичимликлар, майиз, шунингдек узум асал, жем олмоқда.

(АПН).

• *Олий таълим: ўзгаришлар даври*

КПСС XXVII съездида ишлаб чиқаришни интенсивлаш, сифат ва самарадорликни ошириш сари туб бурилиш юзасидан улкан режалар белгилаб олинди. Бу режалар мавжуд завод ва фабрикаларни қайта қуриш, уларни янги, замонавий ускуналар, роботлар, автоматик конвейерлар билан жиҳозлаш ҳамда компьютер техникасини қўлланиш ҳисобига амалга оширилади.

Ана шундай мураккаб техник воситалар билан «тиллаша олиш» учун бўлажак инженер кадрлар муккаммал амалий ва назарий билимга эга бўлиши керак.

— *Мулоҳаза учун мавзу* —

ИНЖЕНЕРЛИК ИНСТИТУТДАН БОШЛАНАДИ

Халқ хўжалигининг ҳамма жабҳасида қайта қуриш, жадаллаштириш жараёни бораётган айни пайтда олий ўқув юртларида бу ишни, бизнингча, аввало, кадрларни конвейер усулида тайёрлашдан воз кечишдан бошлаш лозим. Асосий талаб уларнинг миқдорига эмас, балки сифатига қаратилиши даркор.

Олий таълимни қайта қуриш борасида муаммолар ҳам талайгина. Ўтган йили бизда автомобиллар ремонтини фан ютуқлари асосида ташкил қиладиган инженерлардан 75 нафари тайёрланди. Кўпгина диплом лойиҳалари амалиётга тавсия этилди. Баъзилари ҳимоя пайтидаёқ ишлаб чиқаришга топширилди. Лекин бу тадбир осонликча амалга ошгани йўқ. Давлат имтиҳон комиссияси қўйган баҳоларга қараганда битирувчиларнинг тўртдан уч қисми диплом ишларини «4» ва «5» га ёқлаган. Бу катта муваффақият, албатта. Лекин давр талаби тарозиси билан ўлчанса, бу баҳолар нисбийдир. Бинобарин, чуқур, мукаммал билимли инженерлар бармоқ билан санарли, холос.

Текшириб кўрилганда, кўпгина диплом лойиҳалари конструкторлик бюролари томонидан чизиб берилгани аниқланди. Кечки бўлимни яхши қўриб битирган Хузин, Ёқубов, Аҳмадуллиннинг айтишича баъзи студентлар ўқиш давомида курс лойиҳалари ва ишларини бировлар ёрдамида бажарганлар. Маълум бўлишича, бундай «холис» хизмат қилувчилар 14-авторемонт заводида ҳам, институтимиз ходимлари орасида ҳам топилади. Бу ишга қўл урган студентлар ҳам, ходимлар ҳам нопоклиқнинг оқибатларини ўйлашмадимикан?!

Қуйида студентлар билим савиясига салбий таъсир қилувчи омиллари таҳлил қилиб кўришга ҳаракат қиламиз.

Биринчи муаммо: **олий маълумотли инженернинг обрў-эътибори.**

Бундан 25—30 йил илгари республикамизда инженер кадрлар етишмасди. Авторемонт корхоналарида бириккита инженер бўлар, уларнинг обрў-эътибори катта эди. Улар масъулиятли вазифани уддалай олардилар ҳам. Энди-чи? Ҳар бир хўжаликда ўнлаб инженерлар ишламоқда. Улар муайян иш участкаси учун жавобгар. Олий маълумотли бўлса-да, ойлиги 120—180 сўм. Шу корхонада ишлайдиган шоферлар эса 300—400 сўм маош оладилар. Буни кўриб баъзи инженерлар қинғир йўллар қидира бошлайдилар. Эҳтиёт қисмларни пуллайдиган, янги автомобиллар учун шоферлардан, «ёғли» жой учун слесарлардан тама қиладиган бўлиб қоладилар. Демак, инженерлар тайёрлашда тарбиянинг аллақайси бўғинида узилиш рўй берган. Зудлик билан бу нуқсоннинг олдини олиш керак.

Институтимиз ўтган йиллар мобайнида халқ хўжалиги учун ўн тўрт мингдан зиёд инженер кадрлар етказиб берди. Уларнинг барчаси ўз мутахассислиги бўйича ишлаяптими? Афсуски, йўқ. Кечки ва сиртқи бўлимларни битирганларнинг аксарияти инженер бўлиб ишлашни хоҳламайди. Ойликдан ютқазишларини баҳона қиладилар-у, асли сабаб улар билимининг саёзлигида: бундай талабалар олти йил давомида таниш-билиш ёрдамида ўқиб, диплом олишган.

Бизнингча, чизмачилик ва чизма геометрия, математика ва физика фанлари бунақа студентларнинг иккинчи курсга ўтишида асосий тўсиқлардан бўлиши шарт. Акс ҳолда уларнинг 70—80 фоизи ўқишнинг охиригача шрифтлар, логарифм олишни, босим нима эканлигидан бехабар қоларади.

Яна бир гап. Ҳозир тайёрланган инженер кадрларнинг сони кўпу, сифати талабга жавоб бермайди. Шу туфайли институтларга қабул қилиш планини камайтириб, абитурентларга нисбатан талабни ошириш пайти келмадимикин?

Ҳозирча ўқишга қабул конкурслари асосан тошкентлик ёшларга таллуқли бўлиб қолмоқда. Областларнинг эса ўз плани, студентлар билан «таъминлаш» плани бор. Бу усул мақсадга мувофиқми? Нима бўляпти ўзи? Жойлардаги айрим мутасадди одамлар ўзларининг масъулиятсизликларини хаспўшлаш мақсадида (мактабларда билимлар саёз ўргатилади, ўқувчилар ойлаб қишлоқ хўжалик ишларига жалб этилади, рус тили қониқарсиз ўқитилади) олий ўқув юртлари зиммасига оғир вазифа юклаб, қандай бўлмасин, олий маълумотли инженер тайёрлаб беришни талаб қиладилар. Бизнингча, таълим-тарбия ҳамма ерда бугунги кун талаблари даражасида йўлга қўйилиши, шаҳар ёки қишлоқ мактабини битирганлигидан қатъи назар абитуриентлар учун конкурсда ҳам талаб бир хил бўлиши керак. Акс ҳолда яхши инженерлар тайёрлаш мушкул масала бўлиб қоларади. Бошқача қилиб айтганда, қўшиб ёзиш юз беради. Ваҳолонки, битта инженер тайёрлаш учун давлатимизнинг беш-ўн минг сўми сарфланади. Буни эсдан чиқармаслик керак.

Студентлар билимининг пастлиги кўп жиҳатдан ўқитувчиларга ҳам боғлиқ. Сир эмаски, айрим педагогларнинг билими саёз. Улар ўз устида ишламайди. Худди фанга адашиб кириб қолганга ўхшайди. Шу боисдан ўқитувчи кадрларга бўлган талабни ҳам кескин ошириш керак.

Иккинчи муаммо: **ўқув лабораторияларининг аҳволи.**

Студентларга яхши билим бериш учун ўқув лабораториялари фан ва техника тараққиёти талабларига жавоб берадиган жиҳозлар билан таъминланган бўлиши лозим. Афсуски, кўпгина лабораториялар шу жиҳатдан ночор аҳволда. Чунончи, кафедрамизнинг лабораторияларидаги жиҳоз ва станоклар бундан 20—30 йил аввал чиқарилган. Тўғри, айрим тажриба ишлари авторемонт заводларида ўтказилади. Лекин у ерда ҳам аҳвол шу: замонавий ускуналар етишмайди. Келажак машиналари билан иш олиб борадиган мутахассис алмисоқдан қолган техника билан малака орттириши қулгили. Ахир замонавий технологик жиҳозлар, роботлар, электрон-ҳисоблаш машиналарисиз талабаларга пухта билим бериб бўладими? Бу борада мутасадди министрликлар ёрдамига муҳтожмиз. Қизиғи шундаки, Автомобиль транспорти министрлиги институтга фонд материаллари ажратишни кўпинча лозим кўрмайди. Биз ахир ким учун кадр тайёрлаймиз? Асосан шу министрлик учунку. Шундай экан, Автомобиль транспорти министрлиги оталиқ ролини рисолагидек бажарса айни муддао бўларди.

Учинчи муаммо: **студентлар билан ишлаб чиқариш алоқаси.**

Кўпчилик ёш инженерларнинг технологик жараёнларни яхши билмаслиги сабаби автомобиль ишлаб чиқарувчи ва ремонт қилувчи заводлар, автокорхоналарда ўтказиладиган амалий машғулотларнинг мақсадга мувофиқ ташкил қилинмаслигидадир. Одатда корхоналар студентлардан ишчи кучи сифатида фойдаланади. Шу иш жараёнида улар бир-икки операцияни ўрганадилар, холос. Бу бўлажак инженерларнинг ишлаб чиқаришни муфассал ўрганиши учун жуда озлик қилади. Ҳолбуки, улар ўз касбини мукаммал ўрганиши, слесарликдан инженерликкача бўлган йўлни босиб ўтиши шарт.

Давримиз корхоналарда шундай шароит яратиб беришни талаб этмоқда. Қоларверса, корхоналарда ихтисослашган кафедраларнинг филиалларини очиш керак. Шунда ҳар бир студент билан индивидуал усулда ишлаш учун шароит, олий таълимни қайта қуришнинг муҳим талабини амалга ошириш учун имконият яратилади.

Тўртинчи муаммо: **комсомол-ёшларда масъулиятни ошириш.**

Студентлар мустақил иш юритиши, ўз-ўзини бошқаришига дадил ўтаверши керак. Ҳозирги талабаларнинг кўпчилиги Совет Армияси сафида хизмат қилган, кўпни кўрган ёшлар. Уларга куратор-энагалар керакмикан? Бунинг ўрнига комсомол комитетларига эркинлик бериб, уларнинг роли оширилса, кўнгилдагидек иш бўларди. Чунки студентлар кўп муаммоларни кураторсиз ҳам ҳал қила олади-да. Ёшларнинг ўзига қанча катта масъулият юкланса, улар ишончни оқлашга шунча кўп ҳаракат қилиши аниқ. Бу нарса студент қурилиш отрядлари, қишлоқ хўжалик отрядлари фаолиятида кўп марта исботланган.

Институтимиз мисолида бўлажак инженерларнинг билим савиясига ва сифатига таъсир қилувчи омиллар ҳақида баъзи мулоҳазаларни ўртага ташладик. Бундай муаммолар бошқа техник олий ўқув юртларида ҳам оз бўлмаса керак. Улар ижобий ҳал қилинса, инженер кадрлар тайёрлаш сифати яхшиланиб, фан-техника тараққиёти даври талабларига монанд мутахассислар кўпайиши муқаррар.

С. ҚОДИРОВ,
Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институтининг автомобиллар ишлаб чиқариш ва ремонт қилиш кафедрасининг мудири.

ИШОНЧ ВА БУРЧ

Хонқа районидаги Мичурин номли мактабда педагоглар коллективининг умумий йиғилиши чақирилди. Район халқ маорифи бўлими мудири А. Бобожонов мактабнинг собиқ директори Х. Қаландаров бошқа мактабга ишга ўтказилганлиги ва унинг ўрнига янги директор сайлаш зарурлигини гапириб, бу лавозимга номзод кўрсатишни коллектив ҳукмига ҳавола этди.

Математика ўқитувчиси Я. Нуриддинов, рус тили ўқитувчиси П. Жўманиёзов ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз таклифларини айтишди. Ўзаро фикр олишув вақтида икки номзоднинг ишчанлик, ташкилотчилик қобилияти, шахсий фазилатлари тўғрисида ижобий фикрлар баён этилди.

Биринчи кўрсатилган номзод —Ражаббой Саидов ёш педагог. Аввал шу мактабни, сўнгра институтни аъло баҳолар билан тамомлаган. Ҳозир қўшни Шевченко номли мактабда илмий бўлим мудири бўлиб ишламоқда. КПСС аъзолигига кандидат, жамоат ишларида актив қатнашади.

— Биринчи номзод ҳақида илиқ сўзлар айтилди. Унинг сеғайрат, уддабурон педагог эканлигига шубҳамиз йўқ. Аммо ўзимиз билан бирга ишлаётган, мактабдаги муҳитни, одамларни яхши биладиган, тажрибали педагог Абдулла Саиджоновни директор қилиб сайласак-чи? Касби — физика-математика фанлари ўқитувчиси, ҳозир илмий бўлим мудири, мактаб бошланғич партия ташкилоти секретари. У коллективнинг ишончини оқлай олади деган фикрдамиз, — деди Я. Нуриддинов. Унинг фикрини кўпгина ўқитувчилар қўллаб-қувватлашди.

Йиғилиш қарорига мувофиқ, ҳар иккала номзод сайлов бюллетенига киритилди. Саноқ комиссияси ишга киришди. Сайловда қатнашган ўқитувчиларнинг катта кўпчилиги, яъни 30 киши Абдулла Саиджонов номзоди учун овоз берди. Ражаббой Саидов 5 овоз олди. Шундай қилиб, Абдулла Саиджонов мактаб директорлигига сайланди. Ҳамма уни катта ишончга сазовор бўлганлиги билан табриклади.

Ф. ЗОҲИДОВ.

«Совет Ўзбекистони»га жавоб берадилар

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ХАЛҚ МАОРИФИ БЎЛИМИ:

— Олтиариқ районидаги 16-ўрта мактабдаги камчиликлар тўғрисидаги хат текширилди. Область халқ маорифи бўлими бўйича чиқарилган буйруқ-ка биноан, нуқсонларга йўл қўйганликлари учун мактаб директори М. Валиевга қаттиқ ҳайфсан берилди, мактаб ишлари устидан назоратни бўшаштириб юборганлиги учун район халқ маорифи бўлими мудири А. Маъдиев қаттиқ огоҳлантирилди.

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ АВТОМОБИЛЬ ТРЕСТИ:

— Қўрғонтепа районидаги Султонобод аҳолиси номидан ёзилган хатда «Қўрғонтепа — Советобод» маршрути бўйлаб қатновчи автобуслар ҳаракати қониқарсиз йўлга қўйилганлиги кўрсатиб ўтилган эди.

Трест бўйича чиқарилган буйруққа кўра, «Қўрғонтепа—Советобод» маршрути бўйлаб автобусларнинг мунтазам қатновини таъминлаш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўрмаганлиги учун АТП директорлари М. Сотволдиев, Б. Халиловлар қаттиқ огоҳлантирилдилар.

Автобуслар ҳаракати устидан назорат ўрнатилди.

ДЕҲҚОНОБОД РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— «Бошчорбоғ» совхози ишчиси С. Каримовнинг аризаси текширилди. Унда кўрсатилган фактлар асосан тасдиқланди. Район агросаноат бирлашмаси бўйруғи билан совхознинг собиқ дизель механиги С. Каримов ишига қайта тикланди. Унинг ишламай бекор юрган уч ойлик маоши совхоз директори Ш. Мирзаевдан ундириб берилади.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

Чет эл матбуоти Совет Иттифоқидаги қайта қуришни ҳамон кенг шарҳламоқда. Венгрияда чиқадиган **«Непсабадшаг»** газетасининг таъкидлашича, бугун бутун советлар мамлакатида ўз моҳияти жиҳатидан революцион бунёдкорлик ишлари авж олдириб юборилмоқда. Қайта қуришдан мақсад — социалистик жамият тараққиётини жадаллаштиришдир.

Болгариянинг **«Работническо дело»** газетаси қуйидагиларни ёзади: Совет жамияти ҳаётидаги ҳозирги бурилиш даври ишлаб чиқаришни бошқаришнинг янги, янада мукаммал формаларини рўёбга чиқармоқда. Совет кишилари Октябрнинг 70 йиллиги арафасида КПСС мамлакат олдига қўйган вазифаларни бажариш учун меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар.

Вьетнамнинг **«Куан дой нян зан»** газетаси ўз мақоласида Европада ўртача олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги совет таклифига юксак баҳо беради.

«Нью-Йорк таймс» газетаси редакцион мақоласида қуйидагиларни ёзади: «Ғарбий Европа раҳбарлари Совет Иттифоқида амалга оширилаётган ислоҳотларда, мамлакат раҳбарлари ўртага қўяётган ташаббусларда муҳим имкониятлар мавжуд деб билмоқдалар. Улар ана шу имкониятлар қўлдан бой берилишидан чўчиб, Американинг масъулиятсизлик кўрсатаётганлигидан ташвишга тушмоқдалар».

Буюк Британия бош министри М. Тэтчернинг Франция ва ГФРга бугун бошланган визити Ғарбий Европа матбуотининг диққат марказида турибди. М. Тэтчер ана шу мамлакатларда Ф. Миттеран ва Г. Коль билан музокаралар олиб боради.

«Нойес дойчланд» (ГДР) газетаси бугун Берлинда ёшларнинг тинчлик учун халқаро семинари бошланиши тўғрисида хабар беради. Семинарда 100 дан ортиқ мамлакат, шунингдек халқаро ва регионал ташкилотларнинг вакиллари иштирок этадилар. Ёшларнинг тинчликни таъминлашга, ядро ҳалокатининг олдини олишга, империализмга қарши бирдамликка биргаликда қўшадиган ҳиссаси масалалари семинар диққат марказига қўйилади.

Франция газеталари Парижда ҳукуматнинг социал страхование учун ажратилган маблағларни қисқартиришга қаратилган тадбирларига қарши оммавий намойишлар ўтказилаётганлиги тўғрисидаги репортажларни эълон қилган.

(ТАСС).

Афғонистонда миллий яраш муваффақияти

КОБУЛ. АҲДП билан АДР ҳукуматининг миллий яраш ҳамда хунрезликни тўхтатиш йўли мамлакатда ва чет элларда тобора кўпроқ қўллаб-қувватланмоқда. Кейинги икки куннинг ўзида яна 326 афғон граждани Покистондан Торҳам чегара пункти орқали юртига қайтиб келди.

Шу пайтгача ҳаммаси бўлиб чет эллардан 25 мингдан кўпроқ қочоқ қайтиб келди. Қайтиб келган оилалар жами 303 миллион афғони миқдорида озиқ-овқат ва энг зарур молларни олдилар.

Собиқ қочоқларнинг айтишларича, Покистон маъмурлари афғон қочоқларининг қайтиб келишларига тўсқинлик қилиб, уларга нисбатан дўқ-пўписа ва тўғридан-тўғри зўравонлик ишлатмоқдалар. Покистон режимининг бу қилмишини афғонларнинг ўзларигина эмас, шу билан бирга Покистоннинг нуфузли оппозициячи сиёсий ташкилотлари ва партиялари ҳам қораламоқдалар. Бахтар агентлигининг хабар қилишича, «Пакистон пуштун организейшн» ташкилоти Покистон маъмурларига мактуб йўллаб юртига қайтаётган афғон қочоқларига тўсқинлик қилмасликни, шунингдек Афғонистон теварагидаги вазиятни бартараф этишга тааллуқли масалалар юзасидан АДР ҳукумати билан бевосита музокаралар бошлашни талаб қилди.

Пуштун қабилаларининг АДР революцион кенгаши раиси вазифасини ижро этувчи Х. М. Цамкани билан учрашувида Аҳмадзой, Сетангзой, Абдулраҳимзой, Саид уруғларининг, шунингдек Лоҳар вилоятида яшовчи бошқа бир қанча уруғларнинг намояндалари мамлакатда қон тўкилишини тўхтатишга кўмаклашишга тайёр эканликларини билдирдилар.

(ТАСС).

Совет Иттифоқининг Эквадорга ёрдами

КИТО. СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим ой жамиятлари союзи Эквадор халқига ёрдам сифатида юборган дастлабки совғалар олинди. Дори-дармон, палаткалар, кўрпа-ёстиқ ва бошқа энг зарур ашёлар шу йил 5 март куни мамлакат шимолий-шарқий районларида рўй берган қаттиқ зилзиладан жабр кўрганлар учун мўлжалланган.

Илгари хабар берилганидек, табиий офатлар натижасида мингдан кўп киши ҳалок бўлди, вайронагарчиликлар юз берди, жумладан магистрал нефть қувури жиддий шикастланди. Ўн минглаб киши бошпанасиз қолди.

(ТАСС).

Эрон—Ироқ фронтида

БАҒДОД. Ироқ ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари Эроннинг Ардашир нефть конига ҳужум қилди ва у ерда ёнғин чиқди, деб хабар берди яқинда бош ҳарбий қўмондонлик. Қирувчи-бомбардимончи самолётлар Эрон соҳилига яқин жойдаги «йирик денгиз нишони»га ҳужум қилдилар. Ироқ артиллерияси душманнинг Басрадан шарқроқдаги ва Фао ярим оролидаги позицияларини ўққа тутди. Фронтнинг марказий участкасида Эрон қўшинлари тўпланган районларга ҳужум қилинди.

Ироқ президенти Саддам Ҳусайн телевидение орқали мамлакат аҳолисига мурожаатида Эрон билан можаро ҳар иккала томон ўз қўшинларини халқаро миқёсда эътироф этилган чегараларга олиб чиқиб кетгандагина ва сулҳ тўғрисида икки томонлама битим имзолаш билангина бартараф этилиши мумкин, деди. У ироқликларни сергакликка ва душманнинг янги ҳужумларини даф этишга тайёр туришга даъват этди. Душман ўтган йил давомида «ҳал қилувчи ғалабага эришиш» тўғрисида кенг кўламда эълон қилинган ниятини рўёбга чиқара олмади.

НИКОСИЯ. ИРНА агентлигининг хабар беришича, Эрон артиллериясининг ҳужуми натижасида фронтнинг шимолий участкасида душман солдатларидан салкам 40 киши ўлдирилди ва яраланди. Марказий ва Жанубий участкаларда жанглар давом этди. Мажнун оролида Ироқ вертолётларининг жосуслик мақсадидаги учиши барбод этилди. Хўрмуз кўрфазида ҳарбий-денгиз кучларининг кемалари чет эл юклари ортилган бешта кемани ушлаб текширдилар.

Эрон президенти Сайёд Али Ҳумайний янги йил муносабати билан Эрон «янги ғалабалар йўлида» жанг ҳаракатларини давом эттиришга азму қарор берганлигини таъкидлади. У «янги йил Эрон халқи катта-катта ютуқлар ва ғалабаларга эришадиган йил бўлади», деди.

(ТАСС).

МУСОБАҚА — МИЛЛИОНЛАР ИЖОДИ

1987 ЙИЛ, МАРТ
№ 3 (153)

СУРЪАТНИ ОШИРИБ БОРИШ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

• Касаба союзлари ва қайта қуриш

ЯНГИ БОСҚИЧДА

Мусобақани қайта қуриш бошланди. Бу йўлда дастлабки қадамлар қўйилди. Касаба союзлари мусобақани ташкил этишга янгича ёндашмоқдалар, у замон руҳига, янги ўзгаришлар руҳига, жадаллаштириш вазифаларига мос келишига эришиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Мусобақа ғолибларини рағбатлантиришда маънавий ва моддий омиллардан фойдаланиш формаларини қайта кўриб чиқдик. Жиддий камчиликлардан бири шуки, ҳанузгача район агросаноат бирлашмаларида мусобақа ғолибларини мукофотлаш учун марказлашган моддий рағбатлантириш фонди ташкил этилгани йўқ.

Қайта қуриш жараёнида нохуш воқеаларга дуч келяпмиз. Кўп жойларда офтобда сарғайиб, қовжираб кетган «Ҳурмат тахтаси», чанг босиб ётган «Ҳурмат китоби»ни кўриб, таъбингиз хира бўлади. Улар йиллаб янгиланмаяпти. Бўз райони хўжаликларида касаба союз ташкилотларининг иши ўрганилганида мусобақа фақат пахта йиғим-терими давридагина якунланиши маълум бўлди. Бошқа даврда эса уни якунлаш муддатларига риоя қилинмайди, ошкоралик йўқ.

Хўжаобод районидаги бир қатор хўжаликларда социалистик мусобақа шартлари звено, бригада, фермаларда расмиятчилик учун қоғозга ёзиб қўйиляпти. Бригада бошлиқлари, хатто колхоз раҳбарлари, касаба союз комитети раислари социалистик мусобақа ғолиблари ҳақида тасаввурга эга эмаслар.

Жалолқудуқ ва Хўжаобод пахта тозалаш заводларида минглаб сўм маблағ сарфланган кўрғазма тахталари қачон тўлдирилганлигини маъмурият ва касаба союз ташкилоти раҳбарлари ҳатто эслай олмайдилар. Ўтган йили ана шу районларда планларнинг барбод бўлганлиги хўжалик раҳбарлари, касаба союз ташкилотлари меҳнаткашларни мавжуд имкониятлардан, резервлардан фойдананишга йўналтира олмаганликларидан далолат беради. Ҳозир бу соҳадаги нуқсонларни тугатиш, ишни қайта қуриб олиш учун зарур тадбирларни амалга оширяпмиз, энг аввало, касаба союз ташкилотларида меҳнат мусобақасини ташкил этишдаги ҳар қандай расмиятчилик ва қоғозбозликка барҳам бериляпти. Мукофотлаш системаси реал ютуқлар билан чамбарчас боғлаб олиб борилаётир. Айниқса, мусобақа қатнашчиларини рағбатлантиришда бир хилликка бутунлай чек қўйилмоқда.

Иш якунларини чуқур таҳлил қилиш, таққослаш мусобақанинг таъсир кучини оширяпти. Ленин районидаги «Социализм» колхозининг М. Раҳимова бошлиқ бригадаси ҳар гектар ердан 48 центнердан пахта етиштирди, шу колхознинг Ҳамиджон Мўйдинов бошлиқ маккажўхорикорлик бригадаси 112,5 центнердан, К. Маркс номли колхознинг КПСС XXVII съезди делегати Хосиятхон Ҳусанова бошлиқ бригадаси ўтган йили 43 центнердан, шу бригаданинг 16 гектарлик эксперимент даласидан 49 центнердан пахта олишга эришилди.

Балиқчи районидаги «Партия XXV съезди» колхозидан Турғунбой Каримов бошлиқ бригада ҳар гектар ердан 1765 центнердан, Жалолқудуқ районидаги «Коммунизм» колхозидан Зайнобиддин Ҳасанов бошлиқ бригада 1500 центнердан хашаки лавлаги етиштирди. Уларнинг иш тажрибаси кенг оммалаштириляпти.

Меҳнат илғорларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига икки йиллик планни бажариш юзасидан бошлаган ташаббуси ҳам минглаб андижонликларнинг мулки бўлиб қолди.

Лекин пахта, полиз маҳсулотлари сотиш юзасидан 1986 йилги давлат планларининг барбод бўлганлиги хўжалик раҳбарлари, касаба союз ташкилотлари меҳнат мусобақасини кўнгилдагидек ташкил этмаганликлари оқибатидир. Бу кўнгилсиз воқеа касаба союз ташкилотларида ва группаларида қатъий муҳокама этилмади. Айрим касаба союз советлари ва комитетларида эса бу ишга расмиятчилик билан қараб, номигагина тадбирлар белгилаш билан чекланиб қўя қолинди, унинг амалга ошмаганлиги эса ҳеч кимни ташвишга солмади.

Областдаги айрим хўжаликларда бригада пудрати жуда суст жорий этилмоқда. Хўжалик раҳбарлари, касаба союз ташкилотлари унинг моҳиятини тўла тушуниб етганларича йўқ. Хўжалик ҳисобидаги бригадаларнинг кўпи қоғозда бор, холос. Бригадаларни йириклаштириш, уларнинг ҳар бирида касаба союз группалари тузиш унутиб қўйиляпти.

Область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган бюро мажлиси социалистик мусобақада содир бўлаётган расмиятчиликка принципиаллик билан баҳо берди. Айниқса, мажбуриятларнинг бажарилиши коллективларда муҳокама этилмаётгани мусобақага путур етказаётганлиги қаттиқ танқид этилди. Илғор тажрибаларни оммалаштиришдаги нуқсонлар очиб ташланди. Жойларда бу соҳадаги нуқсонларни тугатишнинг конкрет чора-тадбирлари белгиланмоқда.

Касаба союз ташкилотлари ҳар бир ташаббуснинг тақдири учун жавобгардир. Областимизда сут соғувчилар иши икки сменада ташкил этиляпти. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Чунки шу кунгача сут соғувчилар меҳнат отпускасидан, бўш вақтларидан самарали фойдаланишда катта қийинчиликларга дуч келардилар. Уларнинг ишини икки сменада ташкил этиш бу қийинчиликлардан қутулиш имкониятини беряпти. Аммо иш фақат шу билан чекланиб қўя қолмайди. Сут соғиш аппаратларидан унумли фойдаланиш, эскириб қолган машиналарни алмаштириш керак. Айни вақтда сут-товар фермаларини реконструкция қилиш, электр энергияси таъминотини яхшилаш талаб этилади.

Касаба союзлари комиссиялари ўтказган текширишлар Ленин районидаги «Правда Востока» колхози, Қўрғонтепа районидаги Куйбишев номли совхоз, Жалолқудуқ районидаги К. Маркс номли колхоз ва бошқа бир қатор хўжаликлар ҳозирнинг ўзидаёқ сут соғувчилар ишини икки сменада ташкил этиш имкониятига эга эканлигини кўрсатади. Касаба союз ташкилотлари бу ишни ўз қўлларига олишлари ва зарур шароит яратиш ҳақида ғамхўрлик кўрсатишлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми касаба союзлари олдига ҳам юксак талаблар қўйди. Касаба союзлари ишининг ҳамма участкаларини ишчан, қобилиятли кадрлар билан мустаҳкамлаш шулар жумласидандир. Бу соҳада баъзи ишларни қилдик. Кейинги уч йил давомида номенклатурадаги 110 ходим янгиланди.

Қайта қуриш — бу ҳалол, сифатли ишлаш, ўзига топширилган вазифани аъло даражада бажариш демакдир. Бу талаблар касаба союз органлари фаолиятида ўз аксини топади.

М. СУЛТОНОВ,
Андижон область агросаноат ходимлари касаба союзи комитетининг раиси.

ҲАЁТДАГИ ҲАММА ҲОДИСАЛАР УЧУН ТАЙЁР КЎРСАТМАЛАР БЎЛМАЙДИ. ҚАЙТА ҚУРИШ УМУМХАЛҚ ИЖОДИЙ ЛАБОРАТОРИЯСИ БЎЛИБ ҚОЛСИН. ЯНГИЛАНИШ ПРАКТИКАСИГА ДИҚҚАТ БИЛАН МУНОСАБАТДА БЎЛИБ, УНИ ТАНҚИДИЙ АНГЛАБ ОЛАЙЛИК, ИЛҒОР ТАЖРИБАНИНГ ҲАР БИР ЗАРРАСИНИ ҚАДРЛАБ, УНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙЛИК ВА РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК. ЖОНЛИ ЭРКИН ФИКРЛАШ — ЖАДАЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАРУР ШАРТИДИР.

(Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг совет халқига Мурожаатномасидан).

• Ишчи минбари

БУЛАР МАЙДА-ЧУЙДА ЭМАС

Аниқ маром ва юксак суръат учун ҳамма чорани кўряпмиз. Иш вақтидан унумли фойдаланиш, илғор тажрибаларни ўрганиш, маҳоратни ошириш, иш қуролларидан омилкорлик билан фойдаланиш, қурилиш материалларини тежаб сарфлаш мазмуни бўлиб қолди.

Шуни алоҳида айтиб ўтишни истардимки, бригадамиз ишчилари қайта қуришни ўзларидан бошладилар. Ҳар бир ишчининг ижобий ва салбий томонларига тегишли баҳо бериляпти. Ўзаро талабчанлик кучайтирилди. Бир-биримизга нисбатан ғамхўрлик нечоғлик оширилган бўлса, шу даражада қаттиққўл ва талабчан ҳам бўлиб қолдик. Булар яхши самаралар беряпти.

Бригадамиз бундан уч йил муқаддам қолоқ ҳисобланарди. Утган йили яхшилар қаторидан ўрин олдик. Йиллик планга нисбатан 10 минг сўмликдан зиёд пардозлаш ишларини бажардик. Юбилей йилининг дастлабки икки ойи натижалари ҳам қувончли.

Шонли юбилейгача 70 минг сўмлик пардозлаш ишларини амалга ошириб, йиллик планни адо этиш эзгу ниятимиз.

Биз район маркази, Ҳамид Олимжон номли совхоз, «Конимех» давлат наслчилик хўжалигида уй-жойлар, маданий-маиший бинолар қуришда ой сайин яхши натижаларга эришяпмиз.

Коллективимизнинг яратувчилик ишига бўлган иштиёқи баланд, маҳорати ва имконияти етарли. Лекин ана шу омиллардан тағин ҳам яхшироқ фойдаланиш йўлида тўғаноқ бўлаётган баъзи ҳоллар ҳам бор. Бўёқ-ишимиздаги энг асосий материал. Бизга келаётган бу материалнинг сифати талабга жавоб бермайди. Ёки қумни олайлик. Ҳамма жойда тўлиб-тошиб ётган қум бизга етарлича ташиб берилмаётир. Суръатнинг йўлига кўпроқ қум етишмаслиги тўғаноқ бўлаётганига нима дейсиз. Баъзилар ўйлаганидек, булар майда-чуйда эмас.

К. ОЙНАЗАРОВА,
2-«Агропромстрой» трестининг Конимехдаги 2-механизациялашган кўчма колоннаси пардозловчилар бригадаси ишчиси.
Навоий области.

МЕҲНАТНИ ШАРАФЛАБ

Андижон пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасида Алимовлар оиласининг меҳнат стажи 100 йил билан ҳисобланади. Сулола бошлиғи Ғулом Алимов корхонада шогирдликдан мастерликкача бўлган шонли йўлни босиб ўтди. Унинг саккиз нафар ўғил ва қизлари бирлашма мастерлари. Тўнғич ўғил Содиқ эса бош моделчи бўлиб меҳнат қилмоқда.

Куни кеча корхона коллективи Ғулом Алимовнинг 60 йиллик юбилейини нишонлаб, унинг меҳнатларини юксак баҳолади. Сулола бошлиғи кексалик гаштини сургани кетаётган бўлса ҳам корхонада унинг фарзандлари ва кўплаб шогирдлари ўрнини босишади. Улар социалистик мусобақада олдинги ўринларда боришмоқда. Суратда: Алимовлар ишчи сулоласи аъзолари.

Р. АШУРОВ фотоси (ЎзТАГ).

ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

Байроқдорлар

Намангандаги 11-автобус парки коллективи 1986 йил план топшириғини муваффақиятли бажариш юзасидан Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. Бу юксак тақдирланишга автопарк меҳнат аҳли Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига ғайрат ва шижоат кўрсатаётгани, янги резервларни ҳаракатга келтирганн, меҳнатдаги улкан ютуқлари эвазига сазовор бўлди.

Ҳар бир ходим ўзаро назорат ва талабчанлик руҳи кучайган шароитда унумли ишлаяпти. Автомобилчилар Октябрь 70 йиллиги арафасида тежалган ресурслар ва ёнилги ҳисобига бир ҳафта ишлаб беришга аҳд қилиб, байроқдорларга хос ғайрат кўрсатаётиллар.

Е. ОРЛОВА.

ИККИ ЙИЛЛИК ПЛАН — ЮБИЛЕЙГАЧА

Химиклар ғайрати

— Қайта қуриш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун курашда янги давр бошланди, — деди завод касаба союз комитетининг раиси, КПСС XXVII съезди делегати Л. Михеева, — цехларда техника ва технология тадбирлари амалга оширилиб, ускуналар янгиланяпти.

Бу минерал ўғит ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, хом ашё ва материаллар сарфини камайтириш имконини бермоқда. Ўтган икки ойда натижалар қувончли бўлди. Планлар барча кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарилди. Кейинги бир ойда 300 тонна аммофос, 690 тонна олтингугурт кислотаси, 23 минг киловатт-соат электр энергияси тежалишига эришилди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг совет халқига Мурожаатномасидан руҳланган Олмалиқ химия заводи меҳнат аҳли Октябрь 70 йиллиги юбилейигача беш йилликнинг икки йили планини бажариш йўлида ғайрат қиляпти.

О. ХУШНАЗАРОВ.

• Илғорлар қолоқ участкаларга ўтмоқдалар

БРИГАДИРНИНГ ШАХСИЙ ИБРАТИ

Халқ хўжалиги турли тармоқларидаги сингари умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида ҳам қайта қуриш бораяпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ қайта қуриш муайян натижалар бера бошлади. Бироқ пассажир автотранспортидаги аҳвол ҳамон қониқарсиз эканлигини таъкидлаш керак. Аҳолидан автобуслар бир маромда қатнамаётгани хусусида шикоятлар бот-бот тушиб турибди.

Пассажирлар ташишдаги асосий камчилик автобуслар ҳаракати жадвалининг бузилишидир. Бу айниқса, республика пойтахт шаҳри учун характерли. 2 миллиондан ортиқ аҳолига эга бўлган шаҳарда ишга бориш ва ишдан қайтиш соатларида аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда катта қийинчилик туғилаётганлиги сир эмас.

Ҳаракат жадвали бузилишининг сабаблари турлича. Машиналарнинг тўсатдан бузилиб қолиши, ҳайдовчиларнинг бетоб бўлиши, автобусларнинг ремонтда кўп туриши каби ва бошқа сабаблар ҳаракат жадвали маромини издан чиқишига олиб келмоқда. Бу сабаблар объектив бўлиб кўриниши мумкин. Лекин ишга кечикаётган одамлар учун бу қимматга тушмоқда.

Ишни шундай ташкил қилиш керакки, автобусларнинг қатнов жадвалига юқорида таъкидланган камчиликлар таъсир этмайдиган бўлсин. Шундай қилиш мумкинми? Илғор ҳайдовчилар бригадаларининг тажрибаси бу ишнинг уддасидан чиқиш мумкинлигини, энг муҳими — шундай қилиш зарурлигини тасдиқламоқда. Бунга яқин вақтгача Тошкентдаги 2-автопаркда пассажир автобуси ҳайдовчилар бригадасига раҳбарлик қилган Ўзбекистон Компартияси XXI съезди делегати, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Эргаш Азаматовнинг 171-маршрутдаги фаолияти яққол мисол бўла олади.

Коммунист Эргаш Азаматов меҳнатга коммунистик муносабатни ҳаётининг мазмуни деб билган кишилардан. У барча янгиликлар, илғор тажрибаларни қунт билан ўрганади, энг мувофиқларини ўз тажрибасида қўллайди. Э. Азаматов Ўзбекистон пассажир автомобиль транспортида биринчилардан бўлиб бригада пудрати усулида ишлашга ўтган. 1978 йилиёқ у Киев автомобилчиларининг пудрат усулида ишлаш тажрибаси билан танишиб келди. Айниқса унга Николай Цепенев бошлиқ автомобилчилар бригадасининг пассажирларга маданий хизмат кўрсатиш тажрибаси маъқул тушди. Киевликлар тажрибасини қунт билан ўрганди. Тошкентга қайтгач, ўзи ишлаётган 1-маршрутда бригадани пудрат усулида ишлашга ўтказди.

Ўша вақтда бригадада автобусларнинг ҳаракат мунтазамлилиги 78 процентдан ортмасди. Ишни янгича ташкил қилиш натижасида бир ярим йил мобайнида бу кўрсаткич 92 процентга етказилди. Бу катта муваффақият эди. Бригадир ишни янгича ташкил этганидан қаноат ҳосил қилгач, қолоқ участкага — 51-маршрутга ишга ўтди.

Э. Азаматов янги бригада аъзолари ўртасида тарбиявий ишлар олиб борди. Янги усулнинг ўзига хос жиҳатларини чуқур тушунтирди. Меҳнат ва қатнов интизомига қатъий амал қилиниши устидан назоратни кучайтирди. Энг муҳими эса ўз ибрати — чаққонлиги, пухталиги, зийраклиги, ижрочилиги билан касбдошларига шахсий намуна кўрсатди. Бу намуна бригададаги бошқа ҳайдовчиларни ҳам шундай ишлашга руҳлантириб борди.

1982 йили бригада давлатга пландан ташқари 18 минг сўм даромад берди. Пассажирлардан автопарк маъмурияти номига бир неча миннатдорчилик мактублари келди. Буларда 51-маршрут ҳайдовчиларининг яхши ишлари таъкидлаб ўтилди. Шундан кейин ҳайдовчилар яна ҳам қунт билан ишлай бошладилар. Эргаш Азаматовнинг ўзи эса янги бригадага — 171-маршрутга кўчди.

Бу маршрут масофаси узоқ ва шу билан бирга мураккаб эди. Маршрут Нариманов шаҳри билан Максим Горький номли майдонни боғлайди. Бригадага «Икарус—260» автобусларидан 12 таси ва ҳайдовчилардан 22 киши бириктирилди. Хизмат кўрсатиладиган зонада йирик саноат корхоналари бўлиб, авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва мотор заводи билан пудрат шартномаси тузилди.

Э. Азаматов бригадани аҳил коллективга уюштиришга муваффақ бўлди. Бу яхши самаралар берди. Бригададаги ҳамма ишлар бригада кенгашида ҳал қилина бошланди. Бригада кенгашига энг ҳурматли ва тажрибали ҳайдовчилар киритилди. Ҳайдовчиларга мукофотлар умумий ишга қўшган меҳнат ҳиссасига қараб тақсимланди. Бригада йиғилишларида мукофотланувчиларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, салонларнинг тоза сақланиши, меҳнат интизоми, автопарк ижтимоий ҳаётида қатнашуви каби фазилатлари ҳам назарга олиб бориладиган бўлди.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига автомобилчилар катта мажбуриятлар қабул қилишди. Бригадир Э. Азаматов шахсий беш йиллик планини тўрт йилда бажаришга сўз берди. У бошқараётган коллектив эса тўрт йилу олти ойда ўн иккинчи беш йиллик марраси сини эгаллаш учун мусобақани авж оддиряпти.

Илғор бригадир изидан бориб марраларни барвақт эгаллаш учун енг шимарганлар сафи кенгайиб бормоқда. Автопаркда қисқа вақт ичида янгидан 13 та пудрат бригадаси тузилди. Азаматовнинг аввалги шогирдлари В. Туманов ва Б. Бобоев (1- ва 12-маршрут) бригадалари ҳам қолоқ бригадаларга ўтиб ишлаш истагини билдирдилар. Устоз ўз шогирдларига бу сафар ҳам ёрдам берди, ўз бой тажрибаларини бажонидил ўргатди.

Янги бригадада ишлаб юриб ҳаракат мароми 99 процентга етгач Э. Азаматов яна қолоқ бригадага ўтди. У бу сафар «49—«Э» маршрутида хизмат қила бошлади. В. Туманов ва Б. Бобоев ҳам тажрибали ҳайдовчилар қаторидан ўрин олишди. Улар пудрат усулида ишлашни тўла ўзлаштириб, такомиллаштириб бормоқдалар. Уларнинг сафига Е. Ромский бригадаси ҳам қўшилди.

— 1-, 12-, 83-маршрутларда ва мен хизмат қилаётган илгариги 171-маршрутда автобусларнинг ҳаракат мароми 99 процентга етди, — дейди Э. Азаматов. — Биз КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленуми қарорларидан руҳланиб янгидан ишлашга ўтган бригадаларда аҳвол бошқачароқ. Масалан, мен ишлай бошлаган бригадада ҳаракат мароми 85 процентдангина иборат. Бизнинг вазифамиз — бундай бригадаларни ҳам автопаркнинг илғор пудратчи коллективлари қаторига олиб чиқишдан иборат.

Шуни таъкидлаш қувончлики, Эргаш Азаматов қолоқ бригадани қўтариш учун ўтиб кетгач, бригада умумий йиғилиши бригадир ўринбосарлигига Э. Азаматовнинг ўғли Мансурни сайладилар. У Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтгач, бригадада беш йил ишлади, тегишли тажриба тўплаган.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида қолоқ участкаларни илғорлар қаторига олиб чиқиш учун кураш — жадаллаштириш, қайта қуришга қўшилаётган муайян ҳиссадир. Ташаббускорларнинг бу ҳаракати ишчан кадрлар етиштиришга тегишли ёрдам кўрсатаётганлиги қувончли.

А. АЛИМОВ,
«Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси пропаганда бўлими мудири.

• Хўжаликни оқилона бошқарайлик

ШТУРМЧИЛИК ПАНД БЕРАДИ

Янги йил арафаси эди. Сирдарё шаҳрида жойлашган 290-механизациялашган кўчма колонна иши билан танишиш мақсадида у томонга йўл олдик. Идорага борсак ҳеч ким йўқ, эшиклар қулф. Ҳайрон бўлиб қолдик. Шу пайт ёнимизда пайдо бўлган аёл:

— Бошлиқлар, идора хизматчиларини излаб келган бўлсангиз ҳаммаларини мактаб қурилишидан топасиз, — деб қолди. Кейин ўша аёл — колонна кадрлар бўлимининг бошлиғи Р. Цветкова:

— Мактаб эрта-индин, албатта, фойдаланишга топширилиши шарт. План чатоқ. Шу сабабли бутун кучни ўша объектга ташладик, — дея гапига изоҳ берди. Қурилиш майдонига бордик. Колонна бошлиғи Владимир Трибунских тажанг. Қаватма-қават, хонама-хона юриб ҳар бир бинокорга кўрсатма бераяпти. Лекин чарчамаслиги, ғайрати кишининг ҳавасини келтиради. Шу манзарани кузатиб: «йил якунланаётганда эмас, бошидан шу тарзда ғайрат кўрсатилгандами» деган фикр хаёлимиздан ўтди. Қолаверса, мактаб бугун-эрта жуда зарур дейишга ҳам асос йўқ эди. Шундай экан, штурмчилик қилиб уни битиришга шошилишдан фойда бормикин.

— План чатоқ... — колонна бошлиғининг бу гапидан сўнг уни ортиқча саволга тутмадик. Ҳозир йиллик планни бир амаллаб бажаришдан бошқа нарса кўнглига сиғмаслигини тушундик.

Шундан бери икки ойдан кўпроқ вақт ўтди. Колонна коллективи иши билан яна танишишга қарор қилдик.

— Ўша кезларда мактаб фойдаланишга топширилса ҳам план бажарилмаслигини яхши билар эдик, — деди В. Трибунских. — Йил давомида юз берган сансалорлик, бинокорлик материалларининг етишмаслиги, интизомнинг бузилиши ишимизни анча орқага тортди. Таннарх анча ошиб кетди. Ахир объектлар тарқоқ, бир-биридан узоқда, моддий база ночор бўлгач, нимани ҳам кутиш мумкин? Айрим ҳоллар бинокорлик материаллари йўқлигидан қурувчилар бир неча смена бўш туришади. Лекин ҳамон бу муаммолар ижобий ечимини топганича йўқ...

Бу гапларни эшитиб аввалига колонна бошлиғи баҳона излаяпти, деган фикрга келасан, киши. Лекин ундай эмас. Владимир Иванович йўл қўйилган камчиликларни тан олиш билан бирга, колонна миқёсида ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар хусусида гапиряпти. Улар йилдан-йилга такрорланмаслигини истаяпти. Ахир ўтган йилги планнинг ўлда-жўлда қолиб кетгани, барча кўрсаткичлар кишини ташвишга солиши сир эмас-ку!

1986 йил давомида 3 миллион 687 минг сўмлик ўрнига 2,5 миллион сўмлик пудрат ишлари бажарилди. Оъектларда амалдаги 127 киши ўрнига 198 қурувчи меҳнат қилди. Иш ҳақи фонди эса 323,7 минг сўм ўрнига 397,3 минг сўмга кўпайиб кетди. Айни пайтнинг ўзида ҳар бир қурувчи ҳисобига пландаги 13 минг 205 сўм ўрнига 8338 сўмлик иш бажарилди, холос.

Аҳвол шундай бўлгач, меҳнатчиларнинг иш ҳақи ҳақида гапирмай қўя қолайлик. Лекин йил давомида 122 нафар қурувчи ишга қабул қилиниб, 130 дан кўпроқ бинокор колоннадан бўшаб кетганлигини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак.

Ана шу камчиликлар сурункали бўлиб қолмаслиги учун 7-қурилиш трести раҳбарлари, республика Қурилиш министрлигидаги ўртоқлар колоннадаги аҳволга эътиборни қаратсалар яхши бўларди.

Ҳ. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

И. НОРМАТОВ,
«Сирдарё ҳақиқати» газетаси ходими.

• *Янги шеърлар*

ШУҲРАТ
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

Ҳаёт бу...

Ҳаёт нима! Эртани кутмоқ,
Ўтган кунга хайри-хўш
айтиб.
Ҳаёт — кўприк жоиздир
ўтмоқ,
Ундан бўлмас орқага
қайтиб!

Ҳаёт нима! Нав-ниҳол экиб,
Чаман боғлар гаштида
ёнмоқ.
Ҳаёт нима! Ҳалол тер
тўкиб,
Ўтган кунинг завқига
қонмоқ.

Ҳаёт яхши, эрта яхшироқ —
Бўлса дейди ҳамиша киши.
Инсон мудом эртага мушток,
Доим тотли эртанинг ишқи!
Умр ўтар эртани кутиб,
Меҳнатлардан нону туз
тутиб...

Ерга уруғ тушди

Ерга уруғ тушди.
Ернинг тафтидан
Оҳиста очади мудроқ кўзини.
Бир ҳовуч нур тутиб кўм-кўк кафтида
Қуёшдан узолмайди ёруғ юзини
Ерга уруғ тушди.
Баҳор ялласи
Ҳаётга чорлайди бахтини тилаб
Юксакка интилар мурғак танаси,
Она ер кўксига оёғин тираб!
Томири она ер бағрида яйраб,
Нур билан ювади тонгдан юзини.

Шу сабаб шохларини атрофга тараб,
Ижодкор деҳқонга айтар арзини!
Деҳқонининг юзида мамнун табассум
Ҳар қариҳ ер унинг турар ёдида.
Саноқда адашса, мабодо, бир зум
У оқсаб қолади пойга отида.
Ерга уруғ тушди,
Ернинг чеҳраси
Янада очилиб кетибди, боқинг.
Эй, осмон мулкининг ҳаёт шуъласи
Сиз унинг танида жон бўлиб оқинг!

Март

Мен — жилғада ёнган офтобман,
Мен — гиёҳда акс этган кўк ранг.
Мен — очилган янги китобман,
Қор остидан чиқдим мен аранг!
Мен — қиларга оққан қўнғироқ,
Индо бериб уйғонар борлиқ.
Мен — шуъламан ҳаётбахш, порлоқ,
Мен яшашга бераман ёрлиқ!
Мен — куртакда инжу табассум,
Қиз қошида кўм-кўк ўсмаман.

Мен — севгиман, беғубор, маъсум,
Қалблар аро нурли тасмаман!
Мен уйғотиб мудроқ севгини,
Кенгликларга бошлаб кетаман.
Бошлаб кетиб, ҳаёт кўркини
Минг жилвада тавсиф этаман!
Чечак бўлиб сочилсам қирга,
Тоғда эса, юрак ранг лола
Бағрим тўла ранго-ранг сирга,
Ҳаяжоним тошқин шалола!

Фазогир юраги

Қуёшга, оташга интилмоқ азал,
Қадимий халқимнинг қадим хислати.
Ҳа, осмон қанчалар юксак ва гўзал,
Қанчалар ранг-баранг сирли бисоти.
Не ажаб ана шу юксакдан туриб
Она ер ҳуснига суқланиб боқмоқ:
Она ер иқболин тинчликда кўриб
Ер ҳаққи нотаниш нурларда оқмоқ.
Башарнинг бағрини янада тўкис
Янада барқарор бўлсин деб мангу.
Гагарин илк бора кўкка солди из.
Ва шонли тарихда яшаб қолди у.
Ҳа, унга ташаккур айтади бугун,
Эртанги дунёга келгуси башар.
У сабаб очилди энг мушкул тугун,
Энг шонли саҳифа абадий яшар!
Шунга ҳам ўтибди чорак аср, боқ
Кечаги тонг каби турибди порлаб.
Гагарин келгуси қанчалар порлоқ,
Қанчалик фазога турарди чорлаб.
Қардошлар мулкига айланди фазо,
Фазодан қайтаркан кун-кеча мўғул.

Дедики, на қадар эркин мусаффо,
Музаффар замонга бўлибман ўғил!
Замону замнга ўғил бўлганлар,
Фазогир йигитлар айём муборак.
Ленин таълимидан ўгит олганлар
Сен каби мардона, сендек ўт юрак.
Ҳа, улар кафтида замину замон!
Замонлар келади, оддий бир одам,
Фазони айланар бедард, беармон,
Истаса фазога чиқиб олар дам.
Бари бир шунда ҳам содиқ она ер,
Она ер меҳридан кетмайди йироқ.
«Она ер кўз очиб кўрган дунём» —дер,
Она ер чирогин ёқади порлоқ.
Она ер чирогин ёнаркан порлаб,
Умрбод тинч экан башар қўрғони,
Фазо ҳам туради бағрига чорлаб,
Инсоннинг бахтидир фазо макони,
Биламан, юлдузим, ёниқ ва порлоқ,
Биламан, юлдузим, тиниқ ва қайноқ.
Биламан, умрбод чақнаб туради,
Гард юқмас номимни сақлаб туради.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти қуйидаги китобларни рус тилида чоп этди:

А. М. Юнусов. Ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси. 52 бет. Баҳоси 10 тийин.

Рисолада Коммунистик партиянинг социалистик миллатларнинг шаклланиши ва ривожланишидаги, совет халқининг янги ижтимоий ва интернационал бирлигини мустаҳкамланишидаги, халқларнинг дўстлик ва биродарлик идеологиясини қарор топишидаги етакчи ва йўлловчи роли баён қилинган.

Ҳ. В. Муродхўжаев, А. Г. Ривкин. Тўла тақсимланган ресурслар ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш системасини алгоритмлаш принциплари. 88 бет. Баҳоси 90 тийин.

Монографияда тўла тақсимланган ресурслар ва бу жараёнларни планлаштиришнинг картографик моделларини қуришни автоматлаштириш масалалари ҳақида гап боради.

Ҳ. З. Эгамбердиев, Н. Н. Маннопов. Динамик системаларни мунтазам тенглаштириш. 120 бет. Баҳоси 95 тийин.

Китоб ўқувчини нотўғри масалаларни ечиш усули нуқтаи назаридан динамик системаларни тенглаштириш назариясини мунтазам равишда тадқиқ қилиш натижалари билан таништиради.

Авторлар коллективи. Ўсимликларни иқлимлаштириш. 120 бет. Баҳоси 1 сўм 20 тийин.

Тўпламда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника боғида табиий флора турлари ва гул-манзаралари экинлар хилларини иқлимлаштириш натижалари умумлаштирилган.

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Сония Нуртдиновна Кафизова пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси вазифасидан озод қилди.

• *Пойтахт театрларида*

«ҚУТЛУҒ ҚОН»

Бир неча йил муқаддам Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри Ойбекнинг машҳур «Қутлуғ қон» романига мурожаат этиб, Ўзбекистон ССР халқ артисти Тошхўжа Хўжаев инсценировкаси асосида спектакль саҳналаштирган эди. Театр репертуарига файз киритган бу асар узоқ йиллар саҳнадан тушмади, ундаги ролларни атоқли актёр ва актрисалар ижро этишди.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олишга интилаётган театр коллективи «Қутлуғ қон» романига яна мурожаат қилди. Режиссёр, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Рустам Ҳамидов ўша инсценировка асосида спектакль яратди. Уч пардали мазкур драмадаги ролларни театрнинг етакчи ва ёш артистлари ижро этмоқдалар.

СУРАТДА: «Қутлуғ қон» спектаклидан бир кўриниш. Нури ролида — Ўзбекистон ССР халқ артисти Ойдин Норбоева, Салимбойвачча — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Сандкомил Умаров.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ПЛАН КОМИТЕТИ

ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИНИНГ ЭКОНОМИКА ВА НОРМАТИВЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

бўлим мудирлари: планлаштириш ва прогнозлаш йиғма методологияси; агросаноат комплекси; халқ хўжалиги тармоқлари ва маҳсулот сифатини бошқаришни такомиллаштириш (хўжалик шартномаси бўйича); планлаштириш ва хўжалик юритишнинг прогрессив усулларини жорий этиш (хўжалик шартномаси бўйича); халқ хўжалиги тармоқларида меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш (хўжалик шартномаси бўйича); саноатда планлаштиришнинг норматив усуллари ва харажатларни ҳисобга олишни жорий этиш (хўжалик шартномаси бўйича); топшириқларни амалга ошириш (планли ҳисоб-китобларнинг автоматлашган системаси); ҳисоблаш комплексларини техник жиҳатдан таъминлаш; халқ хўжалигида электрон-ҳисоблаш техникасини жорий этишнинг иқтисодий проблемалари.

НАМАНГАН ВА ҚАРШИ ҲИСОБЛАШ МАРКАЗЛАРИДА

бўлим мудирлари (айни пайтда сектор мудирлари); социал тараққиёт ва турмуш даражасини комплекс ошириш (аҳоли турмуш даражасини оширишни йиғма планлаштириш сектори); аҳоли, меҳнат ресурслари ва меҳнат унумдорлиги (меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва демографияни планлаштириш йиғма сектори); илмий-техника тараққиёти (фан ва илмий хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишни планлаштириш сектори); территориал планлаштириш ва ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш (территориал планлаштириш методологияси йиғма сектори); саноатни комплекс ривожлантириш (ёқилғи энергетика комплекси тармоқларини ривожлантириш сектори); капитал маблағлар ва қурилиш комплексини ривожлантириш (қурилиш комплексини планлаштириш методологияси сектори); транспорт ва алоқа (транспорт ва алоқани комплекс ривожлантиришни планлаштириш йиғма сектори), нормалар ва моддий ҳамда ёқилғи энергетика ресурсларини нормалаштириш (нормалар ва нормативларни планлаштириш методологияси сектори); техника иқтисодий нормалар ва нормативлар (социал иқтисодий нормалар ва нормативлар сектори); иқтисодий математика методларини ишлаб чиқиш (иқтисодий ва социал проблемаларни моделлаштириш сектори); АСПР ресурс баланс кичик системалари ва йиғма функционал бўлими (марказий топшириқлар комплекси сектори); АСПРни ахборот таъминоти (классификаторларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда унификациялашган формалар сектори); АСПРни методик ва технологик жиҳатдан таъминлаш (АСПРни ташкил этиш ва ривожлантириш сектори); умумсистемали программа таъминоти (амалий программа таъминоти сектори);

сектор мудирлари: халқ хўжалигини планлаштириш методологияси ва уни ташкил қилиш; умум иқтисодий ва тармоқлараро пропорцияларни планлаштириш; социал-иқтисодий проблемаларни комплекс таҳлил этиш; хўжалик механизмини такомиллаштириш; халқ истеъмоли моллларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни планлаштириш; хизмат кўрсатиш соҳалари ва аҳолига хизмат кўрсатишни комплекс ривожлантиришни планлаштириш; меҳнат унумдорлигини планлаштириш; кадрлар тайёрлаш ва улардан фойдаланишни планлаштириш; илмий-техника тараққиётининг иқтисодий проблемалари; фан билан ишлаб чиқариш алоқаларини ташкил этиш формалари; областлар ва территориал ишлаб чиқариш комплексларини комплекс ривожлантиришни планлаштириш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш; саноат ишлаб чиқаришини комплекс ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йиғма сектори; химиявий комплекс, қора ва рангли металлургия ҳамда минерал хом ашё йиғма сектори; машинасозлик ва металга ишлов бериш; енгил ва маҳалли саноат; агросаноат комплексини ривожлантириш суръатлари ва пропорциялари йиғма сектори; қишлоқ хўжалиги; сув ресурслари ва ирригация; агросаноат комплексининг қайта ишлаш тармоқлари; агросаноат комплекси ишлаб чиқариши ва социал инфраструктурасини планлаштириш; агросаноат комплексини бошқаришни такомиллаштириш; капитал маблағлар ва асосий фондлар йиғма сектори; реконструкция ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш самарадорлиги; қурилиш комплекси тараққиётини планлаштириш; қурилиш материаллари, конструкциялари ва деталларни ишлаб чиқаришни планлаштириш; юк ташиш ва транспорт иқтисодий муносабатларини рационаллаштириш; моддий ресурсларнинг нормалари ва нормативлари; ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш нормалари ва нормативлари ҳамда ундан оқилона фойдаланиш йўлларини тадқиқ этиш; ускуналар ва кабель маҳсулотлари эҳтиёжини нормалаштириш; капитал қурилишда нормалар ва нормативлар; оборот маблағлар ва кўчма ишлаб чиқариш моддий запасларини нормалаштириш; моддий ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнатни нормалаш; саноатда бошқаришни такомиллаштириш; қурилишда ва қурилиш индустриясида бошқариш ва хўжалик механизмини такомиллаштириш; ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини оширишнинг социал-иқтисодий программалари; саноатда планлаштириш ва хўжалик юритишни такомиллаштириш; саноат корхоналарида тўла хўжалик ҳисобига ўтиш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашни жорий этиш; маъмурий-территориал бирликлар ва меҳнат коллективларини социал-иқтисодий ривожлантиришни планлаштириш; меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш; меҳнатни илмий ташкил этишни планлаштириш ва жорий этиш; меҳнат шароитини такомиллаштириш; саноатда планлаштириш ва ҳаражатлар ҳисоб-китобининг норматив усулларини жорий этиш; ҳисоб-китобнинг прогрессив формаларини жорий этиш; илғор тажрибани умумлаштириш ва оммалаштириш ҳамда социалистик мусобақани такомиллаштириш; АСПРни лойиҳалаштиришда математика усулларини қўллаш; алгоритмлаш ва топшириқларни қўлай программалаштириш; маълумотларни ишлаб чиқиш ва маълумотлар базаларини юритиш; Ўзбекистон ССР Госплани ва ҳисоблаш марказининг экономика ва нормативлар илмий-тадқиқот институтини бошқаришни автоматлаштириш; ҳисоблаш машиналарида маълумотларни тайёрлаш, электрон-ҳисоблаш машиналарида маълумотларни ишлаш; топшириқларни эксплуатация қилиш; системали программа таъминоти; кичик ЭҲМнинг программ таъминоти; алгоритмлар ва программалар фонди; ЕС-1060 ЭҲМни техник жиҳатдан таъминлаш; ЕС-1045 ЭҲМни техник жиҳатдан таъминлаш; ЕС-1033 ЭҲМни техник жиҳатдан таъминлаш; маълумотларга телевизион ишлов бериш ва тайёрлаш воситаларини техник жиҳатдан таъминлаш; кичик ЭҲМни техник жиҳатдан таъминлаш; тармоқ комплекс проблемалари; территориал комплекс проблемалари; планли ҳисоб-китоблар автоматлашган системаси (АСПР)нинг кичик системалари бўйича секторлар; халқ хўжалиги йиғма сектори; ресурс ва баланс; планларни ишлаб чиқишнинг жараёнларини бошқариш; «Турмуш даражаси», «Меҳнат ва кадрлар», «Фан ва техника», «Территориал планлаштириш ва ишлаб чиқарувчи кучларни йўналтириш»; маҳаллий план органлари; саноатнинг тармоқ кичик системалари; агросаноат комплекси; капитал қурилишни планлаштиришнинг ягона системаси; «Транспорт ва алоқа»; нормалар ва нормативларнинг автоматлашган системалари; «Қишлоқ хўжалиги»;

катта ва кичик илмий ходимлар: юқорида айтилган бўлимлар ва секторлар учун.

Конкурсда фан докторлари ва кандидатлари, шунингдек катта илмий ва амалий иш стажига эга бўлган тегишли мутахассисликдаги кишилар иштирок этишлари мумкин.

КОНКУРС МУДДАТИ — 2 апрелгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700017, Тошкент шаҳри, Ҳ. Сулаймонова кўчаси, 29-уй, кадрлар бўлими. Телефон — 39-18-22.

• *Табиат ва инсон*

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига ҳисобот докладида «...бир қанча районларда табиий муҳитнинг аҳволи ташвиш туғдирмоқда... Бу борада иқтисодий, ҳуқуқий, тарбиявий характердаги янада қатъийроқ чора-тадбирларни кўрмоқ зарур» деб таъкидлаб ўтилган.

Ўзбекистон ҳам бундан истисно эмас. Республикадаги ҳозирги экологик вазиятни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигида сув ва тупроқни ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари ва дефолиантлар билан булғаш давом этмоқда. Саноатда ҳавога тутун ва газ чиқиши, ифлос сувларни оқизиб юбориши кўпаймоқда. Энг хавфли дефолиант — бутифос қўлланилишини тақиқлаш учун республика жамоатчилигининг кўп куч-ғайрат сарфлашига тўғри келди. Айни пайтда атроф-муҳитга яна, бу сафар озиқ-овқат корхоналари томонидан ҳужум бошланди.

Республика ёғ заводларида тозалаш иншоотларининг ҳолатини текширган ЎзТАГ мухбирлари ана шу ташвишли аҳвол тўғрисида ёзадилар.

ЎЙЛАМАЙ ИШ ҚИЛИШ ОҚИБАТИ

ҲОЗИРГИ ФОЙДАНИ КЎЗЛАБ

Давлат арбитражининг қарорига мувофиқ Косон ёғ-экстракция заводи атроф-муҳитни муҳофаза қилишга масъулиятсизлик билан қарагани учун юз минг сўм тўлаши керак. Корхона ишга тушгандан буён олти йил ичида биринчи марта жарима тўлаётгани йўқ. Ҳамма гап шундаки, хўжа кўрсин учун заводни ниҳоясига етказмай, саноат чиқитларини тозалаш системаси пухталаштирилмай туриб ишга тушириб юборилди. Тозалаш иншоотлари қурилишига гўё 800 минг сўм сарфланганлиги кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас. Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, заводнинг табиатга етказган зарари 10 миллион сўмдан ошиб кетди.

Ҳозир ифлос сув ён атрофдаги зовурлар ва даларага оқизиб юборилмоқда ва бу билан ерларга, ўсимликлар ва ҳайвонот оламига катта зарар етказилмоқда. Бу зарар ишлаб чиқариш линияларида технология режимларига амал қилинмаётганлиги, реагент хўжалигининг ишламаётганлиги оқибатида кучайиб кетмоқда. Хлораторий насослар билан жиҳозланмаган, канализация коллекторидаги чўян қувурлар туташган жойлар пухта беркитилмаган, қувурлар туташган жойлардан ифлос сувлар оқиб чиқмоқда.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Шу билан бирга завод директори С. Умаровнинг ўтакетган хотиржамлигига қойил қолиш керак.

— Ҳеч қандай қўрқинчли ери йўқ, — деб ишонтирмоқчи бўлди у. — Корхонани капитал ремонт қилиш учун тўхтатган вақтимизда нуқсонларни ҳам тезда тугатамиз.

Бундай ноаниқ ваъдаларни эшитиш ачинарлидир. Чунки олдин ҳам бундай ваъдалар кўп берилган. Кўзбўямачилик одатда яшовчан бўлади. Балки гап директор ва завод мутахассисларини жарима билан чўчитиб бўлмаслигидадир, ахир жарималарни завод тўлайди-да!

Шуни ҳам айтиш керакки, давлат арбитражи қарорида кўрсатилган ўша 10 миллион сўм табиатга ва одамларнинг саломатлигига етказилган заварни тўла акс эттирмайди. Бу ердаги хўжаликларда меҳнат қилаётган одамлар ана шундай шубҳани билдирдилар. Ана шу сабабли биз республика Давлат агросаноат комитети озиқ-овқат саноати бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М. А. Ражабовга телефон қилиб Косон ёғ-экстракция заводидаги бемаънигарчиликлар қачонгача давом этади? — деб сўрадик.

— Завод капитал ремонт қилиш учун тўхататилди, — деб жавоб қилди Маҳамаджон Абдуллаевич. — Ремонтдан кейин аҳвол ўзгарса керак, деб ўйлайман.

Яна ўша ноаниқ ваъда. Боз устига бундай ваъдаларни олти йилдан буён эшитяпмиз. Эндиликда ваъда эмас, балки техника, транспорт, материаллар, мутахассислар керак. Шундагина Косондаги мазкур муаммони узил-кесил ҳал қилиш мумкин.

ЧАЛА ИШЛАР

Каттақўрғон ёғ-мой комбинатида тозалаш иншоотлари қурилиши тугалланди. Лекин хурсанд бўлишга ҳали вақт эрта.

Биринчидан, ана шу иншоот бундан олти йил муқаддам қуриб бўлинганида нур устига аъло нур бўларди. Иккинчидан, шунча кечикиб қуриб бўлинганидан кейин ҳам оқава сувлар Зарафшон сувини ҳамон булғатмоқда.

Комбинатда ишлатилган сувни тозалаб, ундан қайта-қайта фойдаланиш системаси қурилиши кўзда тутилган. Чунки бир кеча-кундузда бу ерда 20 минг кубометрдан ортиқ чучук сув сарфланади. Лойиҳага мувофиқ ана шу тозалаш системаси 10 минг кубометргача сувни тежаб қолиши керак. Лекин Очиғини айтганда, хотиржам бўлишга асос йўқ. Ана шу йўлнинг ярмига борганда ишлар тўхтаб қолди. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 5-трестнинг 9-механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари ўзлари қилган ишларнинг кам-кўстини тугатишга, шошилишмаяпти. Устига-устак Каттақўрғонда фақат ёғ-мой комбинати эмас, балки шаҳардаги бошқа корхоналарнинг оқаваларини биологик усул билан узил-кесил тозалаш учун канализация тармоқлари ва тозалаш иншоотлари қуриб битказилгани йўқ. Уларнинг қачон қуриб ишга туширилиши номаълум.

НОРИН ЁРДАМ СУРАМОҚДА

Учқўрғон ёғ-экстракция заводида тозалаш иншоотларини шошилинч ремонт қила бошладилар. Ҳолбуки улар тегишли муддатнинг ярмигача ҳам ишлагани йўқ. Норин дарёси сувининг булғаниш хавфи пайдо бўлди.

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан комплекс фойдаланиш Наманган область бошқармасидаги мутахассислари корхона дирекциясини кўп марта огоҳлантиришди, жарима солишди: оқава сувларда биологик ва химиявий элементлар нормадагидан ортиқча, оқава сувлар хлор билан зарарсизлантирилмайди. Ҳолбуки, Учқўрғон ёғ-экстракция заводида тозалаш иншоотларини лойиҳалаштириш ва қуриш... ўн беш йил давом этди. Мана, орадан бир йил ўтгач иншоотни капитал ремонт қилиш керак. Нега шундай бўляпти?

Қурувчиларнинг ёмон ишлаганлиги ҳаммага маълум, афсуски, умумий сабабдир. Шуниси ажабланарлики, район совет органлари ҳам аҳволни анча қийинлаштириб юбордилар. Яъни мантиққа кўра, халқнинг бебаҳо бойлиги бўлган табиатни муҳофаза этиш ҳақида жон куйдириши лозим бўлган органлар шундай қилишди. Гап шундаки, айни шу ташкилотлар корхонада атроф-муҳитни муҳофаза этиш учун барпо этилган системанинг зиммасига «ортиқча юк ортишди».

Ёғ-экстракция заводидаги иншоот бир кеча-кундузда 1400 кубометр сувни тозалаш учун мўлжалланган. Заводнинг одатдаги нормал оқавалари минг кубометрдан ошмайди. Яъни тозалаш иншоотларининг имконияти каттароқ. Лекин район ташкилотларининг қарори билан дон маҳсулотлари комбинати, пиво заводи, сут-сепараторлик пункти, иккита кўп квартирали уй-жой, болалар яслилари оқава сувларини ҳам тозалаш учун завод иншоотига оқизишди. Тозалаш иншооти бундай ўзбошимчалик учун мўлжалланмаган эди — ортиқча юкни кўтаролмай қолди?

ЎзТАГ мухбирларининг рейди атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг кўнгилсиз манзарасини очиб берди. Балки бизнинг омадимиз келмай иш яхши ташкил этилмаган корхоналарга тасодифан бориб қолгандирмиз!

Бу шубҳаларимизни республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигида сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан комплекс фойдаланиш бошқармасидаги ўртоқларга айтдик.

— Ёғ-мой саноати 18-та корхонасининг ҳаммасида ҳам аҳвол бир-биридан қолишмайди,— деди бошқарма бошлиғининг ўринбосари Г. А. Балаянц.—Улар бир йилда истеъмол қиладиган сув ҳажми 30 миллион кубометрдан ортиб кетади. Улардан 25 миллион кубометрга яқин оқава чиқади. Ана шу сувнинг бир қисмигина тозаланади, ярмидан кўпи мутлақо ифослигича қолиб кетади. Хуллас ёғ-мой заводларида сувни тозалаш аҳволини ачинарли, деб ҳисобламай бўлмайди. Сира кечиктириб бўлмайдиган қатъий чоралар кўриш керак. Афсуски, озиқ-овқат саноати ходимлари жон қуйдиришмаяпти. Давлат чўнтагидан тўланадиган жарималар ва бошқа жазолар уларни ташвишга солмаяпти. Бу эса табиат учун, халқимиз учун қимматга тушмоқда: республикамизда ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси қашшоқлашмоқда, тупроқ заҳарланиб унумсиз бўлиб қолмоқда... Хуллас бу жуда катта собоқ, бундан хулоса чиқариб олиш керак. Акс ҳолда вақтни бой бериб қўямиз.

Рейдда ЎзТАГ мухбирлари В. ШУМАЙЛОВ, Л. ТОКАРЕВ, Р. БИЧУРИН қатнашдилар. Телетайп ва телефон орқали редактор Ю. БОНДАРЕНКО навбатчилик қилди.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

• *Тингланг, томоша қилинг*

25 МАРТ, ЧОРШАНБА

Телевидение

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15—«Ваҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм.3 ва 4-серия-лар. 11.40 — Орадан олти йил ўтгач. 12.20 ва 16.30 — Янгиликлар. 16.45 — Концерт. 17.45 — Мультфильм. 17.55 — Кино шарҳи. 18.40 — Болалар учун фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Ўзгалар». Телеоқаллар. 21.15 — Концерт. 21.30 —Время. 22.05 — Шахмат оламида. 22.15 — «Ваҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм. 4-серия. 23.30 — Дунё воқеалари. 23.40 — Дунё ва ёшлар.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Концерт. 10.50 — Шахмат мактаби. 11.20 — СПТУ ўқувчиларига. 11.50 — Болалар учун фильм. 12.55 — Немис тили. 13.25 — Юлиус Фучик ҳақида ҳикоялар. 14.15 — Илмий-оммабоп фильм. 14.35 — Янгиликлар. 14.55 — Бадиий фильм. 15.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Жаҳон музикаси маданияти хазинасидан. 19.40 — Ёғаи вақтга ўтиш ҳақида. 19.50 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Музикали киоск. 21.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 22.35 — Қиличбозлик. СССР чемпионати. 23.05 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Ота-оналарга болалар ҳақида. 8.00 — Ахборот. 8.20 — Севги тароналари. 16.35 — Рус тили — армия хизматига чақирилувчилар учун. 17.10 — Телефильм. 17.40 — Абитуриент-87. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — Ҳорвадор. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Халқ контроли экрани. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Сен кутган баҳор. 21.30 — Время. 22.05 — Фан ва дин. 22.35 — Телевидение фондидан.

ЎзТВ-II. 19.30 — Спорт кинопанорамаси. 20.05 — Пионер телетайпи. 20.15 — Ритмик гимнастика. 20.35 — Телефильм. 20.45 — Театр ҳақида мунозаралар. 21.30 — Время.

ФРУНЗЕ: «Жума кунлари карта ўйини». Бадиий фильм.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Биага мактуб йўллабсиз. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 10.15 — Болалар учун қўшиқлар. 12.10 — Новатор. 13.00—Ҳорвадор. 13.30 — М. Магомаев куйлайди. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига. 18.15 — Қишлоқ ҳаёти. 18.30 — О. Матжон шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 19.20 — Аланга. 19.40 — Миллионлар ленинча университети. 20.45 — СССР — АҚШ радиокўприги. 21.45 — Шеърият радиоальманахи. 22.30 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт.

Р. — 08646. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. В. — 68. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12